Mustaqil gazeta

HURRIYAT

O`zingni angla!

Газетамизга 2008 йил учун обуна давом этади. **Муштарийларимиз сафида бўлинг!** Нашр кўрсаткичи — 233.

1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Chorshanba kunlari chiqadi * **2008-yil 19-mart, №13-14 (572)** * E-mail: hurriyat@mail.ru * http://**www.hurriyat.uz**

Эътиборга **эҳтиром зарур**

Энг аввало шуни айтиш керакки, айнан 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас. Чунки йиллар давомида бунга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди...

3-бет

Бино ижараси **қаерда қиммат?**



Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳри биноларнинг ижара баҳоси бўйича Европада биринчи ўринни эгаллади. Knight Frank консалтинг компанияси тадқиқотига кўра, ушбу шаҳарда бир квадрат метрлик иморат ижараси учун йилига 1607 евро тўлаш керак...

11-бет

Велосипедда 8 минг километр

Оқтўба билан Қушўрда оралиғидаги чўлда бир ёдгорликка дуч келдим. У ердаги "Навоий" деган сўзни ўқиб ҳайратим ошди. Маълум бўлдики, бу Дада Қўрқутга қўйилган экан, мармар тахтага у ҳақида Навоийнинг айтган сўзлари битилибди...

13-бет

Чоршанбадан **чоршанбагача**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Халифа бин Зоид Ол Наҳаён таклифига биноан шу йилнинг 17-18 март кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлди. Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини ривожлантиришга қаратилган икки томонлама ҳужжатлар имзоланди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн учинчи ялпи мажлисини 2008 йил 27 март куни чақириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитасида бўлган мажлисда БМТнинг Қийноқларга солишга ва муомалада бўлиш ҳамда жазолашнинг бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки қадр-қимматни таҳқирловчи турларига қарши конвенцияси қоидаларининг бажарилиш жараёни муҳокама этилди.

Пойтахтимизда «Орол муаммоси, унинг аҳоли генофонди, ўсимлик дунёси ва ҳайвонот оламига таъсири оқибатларини енгиллаштириш борасида халқаро ҳамкорлик чора-тадбирлари» мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтди. Анжуманга 80 дан зиёд эколог олимлар, халқаро ташкилотлар вакиллари қатнашди. Дастлаб делегация аъзолари минтақадаги аҳвол билан танишиш учун Қорақалпоғистонга сафар қилди.

— Орол муаммосига бағишлаган халқаро анжуман минтақада экологик вазиятни яхшилашда ўзининг натижаларини беришига ишонаман, — дейди япониялик эксперт Момоко Шива. — Бу жараёнда Ўзбекистоннинг ўрнини алоҳида таъкидлаш зарур.

Мамлакатимизда 15-16 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашарида 16 миллион нафардан зиёд юртдошимиз қатнашди. Уларнинг 10 миллиондан кўпроғини ёшлар ташкил этди.

Франциянинг «Олмикс» компанияси Ўзбекистонда наноматериаллар ишлаб чиқарувчи корхона очишни режалаштирмоқда. «Олмикс» нанотехнологияларни жорий этиш бўйича жаҳоннинг етакчи компанияларидан бири ҳисобланади.

Пойтахтимизда «Соф энергия. Энергияни тежаш» мавзусида халқаро кўргазма очилди. Унда дунёнинг 30 дан ортиқ етакчи компаниялари ўз маҳсулотлари билан иштирок этди.

Тошкент шаҳрида Ёшлар ҳуқуқларини таъминлаш, улар ўртасида ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

БИЗ СЕНИ СОҒИНДИК, НАВРЎЗ!

Асрлар ардоғида улғайган айём

Ҳар бир халқнинг миллий ўзига хослигини кўрсатадиган анъана ва маросимлари, урф-одат ва байрамлари бор. Асрлар бўйи яратилиб, зукко халқнинг юксак ижодий салоҳияти туфайли сайқалланиб келган ана шундай анъаналар аслида ўша миллатнинг ўзлигини, менталитетини, миллий қиёфасини белгилайди. Икки азим дарё оралиғидаги шу муборак замин — она диёримиз Ўзбекистонда ўзига хос қадимий маданиятни бунёд этган зукко аждодларимизнинг яратувчилик, яшариш, янгиланиш билан боғлиқ энг эзгу ва ҳаётбахш ғояларини ўзида мужассамлаштирган Наврўз байрами ҳам ана шундай бетакрор ва муҳташам қадриятлардан бири ҳисобланади. Асрлар ардоғида улғайиб, ҳар бир авлоднинг кўнгил чаманзоридаги турфа чечакларнинг анвойи бўйларидан баҳра олиб сайқал топган бу фусункор шодиёна ҳамиша эзгуликни улуғлаб, халқимиз дилига ҳаётсеварлик, бунёдкорлик, меҳр-мурувват, тинчлик, ватанпарварлик, мўл ҳосил ва қут-барака тилаш ғоясини жо этиб келган.

Наврўзи олам ўз моҳиятига кўра тозариш, руҳий покланиш ва ҳаётнинг боқийлигини тараннум этиш тантанаси сифатида ҳар биримизнинг юрагимизга яқин, вужудимизда оқаётган ҳаётбахш жилғаларни бир-бирига пайванд қиладиган ажиб бир фаслдир. Эзгуликка эш бўлган бу қадимий байрам элу юртни бирлаштиради, одамларни бунёдкорликка ундайди, яратувчилик мақсадида бошланган ҳар бир ишга унум бахш этади, дилларни меҳр-мурувват шамчироғининг барҳаёт нури ила ёритади.

Наврўз дунёдаги энг қадимги суғорма деҳқончилик маданияти шаклланган она диёримизда юзага келганлиги учун ҳам ҳамиша ризқ-рўзимиз манбаи табаррук заминни севишга, меҳнатни қадрлашга, кўклам мўъжизаларидан лаззатланишга, оппоқ гуллаган ўрик шохларию қоқигулларнинг зарғалдоқ ғунчаларидаги бетакрор гўзалликни дилга жо этишга ўргатади.

Йилбоши байрами ҳақида ушбу сатрларни ёзар эканмиз, беихтиёр ям-яшил қирлар бағрига қизғалдоқлар алвон бўлиб сочилган фарахбахш кунда оммавий тарзда ўтказиб келинган Наврўз сайллари кўз олдимизга келаверади.



Наврўз байрами бободеҳқоналаримиз мўл ҳосил олиш ниятида она заминга барака уруғи қадайдиган, чўпон-чўлиқлар эса кўклам ёмғиридан баҳра олиб яшнаган ям-яшил ўтлоқларга қўй-қўзиларини ёйдиган саодатли кундир. Халқимиз ўзлигини танибдики, янги йилни баҳорий тенгкунликдан бошлашга, қуёш ҳамал буржига кирадиган кунни байрам қилишга одатланган. Фасллар алмашадиган, йил янгиланадиган, диллар яйрайдиган бу шодиёна халқимиз ҳаётига шу қадар яқинки, у билан боғлиқ дилрабо куй ва қўшиқлар, афсона ва ривоятлар, удум ва одатлар аллақачон шаклланиб, турмуш тарзимизга сингиб кетган. Шунинг учун ҳам Наврўз фақатгина йилбоши байрами эмас, айни пайтда зукко аждодларимизнинг беқиёс тафаккур дурдоналарини ўз ичига қамраб олган маънавий қадрият ҳамдир. Қадим аждодларимизнинг вақт ҳисобини юргизиш билан алоқадор амаллари, самовий ёритқичлар ҳаракати ва табиат ҳодисаларини муттасил кузатишга асосланган ҳаётий тажрибалари, деҳқончилик ва чорвачилик маданиятининг сарзамини вазифасини ўтаган эътиқодий қарашлар Наврўз байрамининг юзага келишига асос бўлган.

Аждодларимиз учун заминни нурга чулғайдиган қуёш, ризқ-рўз манбаи бўлмиш тупроқ, поклик ва боқий ҳаёт тимсоли ҳисобланган сув ҳамда олов муътабар саналган. Шунинг учун ҳам улар ўз уйларининг эшигини қуёшга қаратиб очганлар. Эрта тонгда чиқаётган қуёшга, тунда эса тўлин ойга уч марта эгилиб, ўз эҳтиромларини ифода этишган. Шуниси қизикки, Ўрта Осиёнинг айрим жойларида Наврўз куни уй деворига доирасимон шаклларни чизиб қўйиш одати ХХ асрнинг бошларида ҳам сақланиб қолган экан. Шубҳасиз, бу доиралар қуёш тимсоли ҳисобланган ва Наврўз байрамида кун билан тун тенглашишига ишора вазифасини ўтаган.

Самовий жисмлар ҳаракати ва фасллар об-ҳавосидаги ўзгаришларни яхши биладиган билгич ҳисобдонлар баҳорий тенгкунликнинг дохил бўлиш муддатини ҳам бехато айтиб бера олишган. Чунки астрономик билимлар ҳийла эрта тараққий этган мамлакатимизда вақт ҳисобини юргизишнинг бир неча хил усуллари мавжуд бўлган. Ҳисобдонлар орасида қуёшнинг йиллик ҳаракатини кузатишга асосланган "Шамсий тақвим", ой фазаларининг муттасил ўзгаришини ифодаловчи "Қамарий тақвим", ой ва Ҳулкар юлдузининг ҳаракат йўналишидаги кесишув нуқталарини белгиловчи "Тўғал ёки тўқуш ҳисоби, ўлкамиздаги дарёлар сатҳининг кўтарилиб-тушишини кўрсатувчи "Тошув ҳисоби", экинларни экиш, парваришлаш ва ўриб-йиғиб олиш муддатларини ўз ичига олган "Юз ҳисоби", қушларнинг кузда иссиқ ўлкаларга қишлаш учун учиб кетиши ва кўкламда яна юртимизга қайтиб келишини кўрсатувчи "Қуш қайи ёки долга ҳисоби" жуда машҳур бўлган.

(Давоми 2-бетда.)

САНОАТ

"Ҳумотекс" уфқлари

Яккабоғда бўлганмисиз? Уфқда ғирашира кўзга ташланиб турадиган чўққиларга туташ текисликда улкан ҳудуд ястаниб ётибди. У боғлар, экинзорларга бурканган, ҳар бир қадамда қут-барака уфуриб тургандек. Туман ҳам кейинги йилларда дадил қаддини ростламоқда.

Ўтган йил республикада биринчилардан бўлиб пахта топшириш режаси уддаланди. Агар уч-тўрт йил олдин бу борадаги режа ҳам бажариламаганини ҳисобга олсак, яккабоғликлар қандай шижоат билан олға интилаётганини тасаввур қилиш мумкин.

Туманда халқ хўжалигининг амалдаги тармоқлари билан бирга замонавий саноат корхоналарини барпо қилишга ҳам аҳамият берилмоқда. Шундай қилиб, Яккабоғ саноатлашаётган туманлар карвонида ҳам олдинги сафларда бормоқда. Биз бу ҳақиқатга яқинда "Ҳумотекс" Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида бўлганимизда яна бир бор ишонч ҳосил қилдик.

Шанхай шаҳридаги "Заур" компанияси билан ҳамкорликда ташкил қилинган ушбу фабрика бу йил биринчи қадамини якунлади. Ўтган йилнинг бошидан ишга киришган корхонада юзга яқин ишчи ўринлари яратилган. Унда ҳозирча пахта толасидан калава ип тайёрлаш йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда.)

ЖАВОБ

Назорат-текширув **кучайтирилади**

(«Йўл бўлсин, йўловчи?». «Хуррият», 2008 йил 13 февраль)

Андижон вилоят прокуратурасида «Хуррият» газетасининг жорий йил 7-сонида чоп этилган «Йўл бўлсин, йўловчи?» мақоласида ёритилган ҳолатлар соҳасидаги қонунийликни таҳлил қилиш орқали ўрганилди.

Таҳлил натижалари жорий йилнинг 18 февраль куни вилоят прокуратурасида тегишли таркибий тармоқ бошлиқлари, Андижон шаҳар ҳокимлиги, ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги, давлат солиқ хизмати, «Ўзавтодарётранс» агентлиги ҳудудий бўлими ҳамда «Ватанпарвар» ташкилоти Кенгаши раҳбарлари иштирокидаги йиғилишда муҳокама этилди.

Йиғилишда автомобиль транспортида йўловчилар ташишни тартибга солиш ҳамда йўл кира ҳақлари барқарорлигини таъминлаш борасида назорат-текширув идораларининг ҳамкорликдаги фаолиятини янада кучайтириш бўйича тегишли тавсия ва кўрсатмалар берилди.

Дарҳақиқат, вилоятда автотранспорт хизмати кўрсатиш сифатини яхшилаш ва хавфсизликни таъминлаш йўналишида ички ишлар бошқармасининг йўл ҳаракати хавфсизлиги, Давлат солиқ бошқармалари ҳамда «Ўзавтодарётранс» агентлиги ҳудудий бўлими ҳамкорлигида 2007-2009 йилларга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унга асосан вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ушбу йўналишда назорат фаолиятини олиб борувчи доимий ҳаракатдаги 20 дан зиёд ишчи гуруҳи тузилган.

Ўтказилаётган тадбирларда лицензиясиз ва йўл кира ҳақи миқдорини сунъий равишда ошириб фаолият кўрсатиш ҳолатларига алоҳида эътибор қаратилиб, амалга оширилган ишлар маҳаллий матбуот ва телевидение орқали ёритиб борилмоқда.

Ҳозирги кунда ҳам доимий ҳаракатдаги ишчи гуруҳи томонидан назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Б.ДЕҲҚОНОВ,
Андижон вилояти прокурори, адлия катта маслаҳатчиси.

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ҲАЁТ

Асрлар ардоғида улғайган айём

(Бошланиши 1-бетда.)

Бундан ташқари халқимиз орасида мучал ҳисоби, деҳқон ҳисоби, чорва ҳисоби, чилла ҳисоби, "Юлдуз ҳисоби", "Қамбар тўғал" ҳисоби ҳам амалда қўлланилган. Ана шу далилларнинг ўзи бизнинг аждодларимиз қуёш ва ой манзиллари, юлдузлар ҳаракати, табиий ҳодисаларнинг рўй бериш сабаблари ва муддатларини кузатишга асосланган юксак фенологик билимга эга бўлганликларини кўрсатади. Элнинг меҳнатига эш бўлиб келган Наврўз байрами аждодларимизнинг қадимги деҳқончилик маданияти, эзгуликни улуғлаш ва яратувчанлик ғоясига асосланган ҳаётбахш анъаналари асосида келиб чиққан. Табиат ва жамиятдаги янгиланишни ўзида ажойиб тарзда мужассам этган Наврўзи олам халқимиз дунёқараши ва бадиий тафаккурининг ҳар бир ютуғидан куч олиб, асрлар оша тўлишиб, янгиланиб, такомиллашиб келаверган.

Наврўз байрами ўз таркибига бойчечак, лола, қизил гул, қизғалдоқ билан алоқадор "Гул сайиллари", йилнинг охирги чоршанбасида ўтказилган "Охир чоршанба" удуми, ариқ-зовурлар тозаланиб, янги боғлар барпо этиладиган "Ҳашар" анъанаси, йилбоши арафасида қилинадиган "Қозон тўлди" удуми, илк кўкламда далага биринчи марта қўш чиқариб, дон экиш одати — "Шох мойлар" маросими, етти хил дондан "Наврўз гўжа" пишириш ҳамда етти хил кўкатдан кўк сомса тайёрлаш одати, арғимчоқ учиш, сумалак ва ҳалим тайёрлаш, варрак учириш, қўчқор, хўроз, туя уриштириш анъаналарини ҳам ўз ичига олган муҳташам миллий қадриятимиз саналади. Бу удум ва анъаналарнинг ҳар бири ўзига хос рамзий маъно касб этган бўлиб, замирида аждодларимизнинг эзгу тушунчалари ётади.

Юртимиз мустақилликка эришгандан кейин Наврўз байрами халқимизнинг энг қутлуғ ва энг хосиятли кунларидан бири сифатида кенг тантана қилинмоқда. Наврўз байрамини тараннум этувчи асрий қўшиқлар баралла куйланиб, бу муборак шодиёна билан боғлиқ удум ва анъаналар қайта тикланди. Натижада, аждодларимиз бадиий тафаккурининг сарчашмасидан баҳра олган халқ Наврўзномаси — қўшиқ, лапар, айтим, олқиш каби турфа жанрлардан иборат Наврўз фольклорларининг жўшқин тўлқинлари бамисоли ўзанига қайтган дарёлар сингари мавжланиб-мавжланиб оқа бошлади. Назаримда, Наврўз байрами ўз тарихий тараққиёти давомида ҳеч қачон бизнинг кунлардагидек қадр топиб, ғоятда кенг миқёсда нишонланмаган эди. Миллий анъаналаримизни сақлаб қолиш ва халқимизнинг маънавий тикланишига замин яратиш йўлида фидойилик кўрсатаётган Юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари туфайли Наврўз байрамининг барча удумлари тикланиб, унинг қадимий анъаналари бугунги замондошларимиз томонидан яратилган бадиий қадриятлар билан уйғунлашиб, чинакам миллий байрамга айланди. Эндиликда бу байрам мамлакатимиздаги барча халқларни ўзаро бирлаштирадиган, меҳнатсеварлик ва яратувчанлик, тинчлик ва ҳурфикрлилик, серҳосиллик ва қут-барака, меҳр-мурувват ва эл-юрт ободончилиги ғоясини ташувчи умумхалқ шодиёнаси сифатида ўлкамизда кенг нишонланади. Зеро, аждодларининг маънавий қадриятларини қадрлаган халқнинг истиқболи ойдин бўлиши табиийдир.

Маматқул ЖЎРАЕВ,
профессор.

Ҳамма ўйин — бир сари,
Баридан зўр кўпкари.

Наврўзда елда ўйнар —
Тулпорнинг кокиллари...

Бугуннинг нафаси

Қорақалпоғистонда ҳар йили Наврўз байрами арафасида ҳаваскор драма театри жамоалари фестивали ташкил этилади. Айни пайтда анъанавий фестивалнинг туманларда ҳудудий босқичлари ўтказилмоқда.

Фурқат туманида меҳнат ярмаркаси бўлиб ўтди. Унда 20 дан зиёд ташкилот бўш иш ўринлари билан қатнашиб, 125 нафар киши шу ернинг ўзида ишга жойлашди. "Ишонч" акциядорлик жамияти, "Хушбўй кавсар" хусусий фирмаси, "Водийгазтаъминот" унитар корхонасининг туман бўлимида ҳам жорий йилда 200 дан зиёд янги иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

Янгиқўрғон туманининг Навкент қишлоғида янги педагогика коллежи қад ростламоқда. Икки миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилган ўқув даргоҳида 825 нафар ёшлар билим олиш ва касб-ҳунар эгаллаш имкониятига эга бўладилар.

Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманида чигит экиш мавсумини сифатли ўтказиш масалаларига бағишланган кўргазмали вилоят семинари бўлиб ўтди.

Асака қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи LMSTRUST деб номланган лойиҳа асосида хайрли ишга қўл урди. Лойиҳа иш билан банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунар коллежлари негизида касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлашни кўзда тутади.

«Андижоннома» газетаси таҳририятида «Босма оммавий ахборот воситаларида ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳалар» мавзусида семинар бўлди. Тадбирда республикамизда амалга оширилаётган ишларнинг вилоят босма ва интернет нашрларида ёритилиши масалалари муҳокама этилди.

Вилоят босма оммавий ахборот воситалари журналистларининг навбатдаги семинарини Пахтаобод туманида ўтказишга келишиб олинди.

Элликқалъа санъат-педагогика коллежида "XXI аср ёшлари" маънавият клуби тузилди. Шунингдек, "XXI аср ёшлари" деб аталган бюллетен ҳам чоп этилмоқда. Ёшлар маънавият клуби томонидан турли маънавий-маърифий тадбирлар, учрашув ва мулоқотлар, давра суҳбатлари ўтказиш мўлжалланмоқда.

Марғилондаги сут ишлаб чиқариш корхонасида маҳсулот тури кўпаймоқда. Бу ерда хориж технологияси асосида пишлоқ, сарёғ, творог, қатиқ, қаймоқ сингари ўндан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда. Яқинда корхонада қандолат ва макарон цехлари ҳам ишга туширилади. Натижада яна ўндан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Нурота шаҳрида "Қўрғон-1" насос станцияси қурилишининг биринчи навбати якунланиб, 14 минг аҳоли яшаётган ҳудудларга тоза ичимлик суви етказиб бериш яхшиланди. Лойиҳанинг иккинчи навбат қурилиши ҳам амалга оширилгач, Нурота шаҳридаги барча маҳаллаларда муаммо ҳал бўлади.

«СУРХОНПАХТАСАНОАТ» ҳиссадорлик жамиятлари бирлашмаси жамоаси

мамлакатимиз фуқароларини баҳор ва гўзаллик байрами — Наврўзи олам билан қизғин табриклайди.

Ушбу айём ҳар биримизнинг қувончимизга қувонч, шодлигимизга шодлик бахш этаётгани бежиз эмас. Чунки бу энг қадимий ва боқий шодиёна минг йиллардан буён бахт ва иқбол, янгиланиш ва яшариш даракчиси бўлиб келган. Ниятимиз 2008 йилнинг Наврўзи янада омадли, меҳнаткаш ва танти бободеҳқонларимиз учун қут-баракали келсин!

"Ҳумотекс" уфқлари

(Бошланиши 1-бетда.)

Йигирув дастгоҳлари Шанхайдан келтирилган бўлиб, энг сўнгги замонавий талабларга жавоб беради.

Албатта, бир умр пахта далаларидан чиқмай, умри эгатлар орасида ўтган деҳқонлар учун қўл етадиган жойда замонавий корхонанинг ишлаб туриши ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан аҳамиятлидир. Маълумки, калава ип тайёрлаш пахтадек қимматбаҳо маҳсулотга техник ишлов беришнинг дастлабки босқичларидан бири, холос. Эндиликда мато тайёрлаш, бўяш, тайёр кийим ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳам режалаштирилган. Хуллас, пахта далалари орасида кичкина саноат муҳити юзага келди. Ҳозирча бу корхонада кунига 3,5 тонна калава ип ишлаб чиқарилмоқда. Улар пешма-пеш Россия ва Украинадаги тўқимачилик корхоналарига сотилмоқда.

Корхонада иш узлуксиз, уч сменада ташкил қилинган. Шубҳасиз, бу юмушнинг ўз масъулияти бор. Қолаверса, ҳали биронта иш ўрнида дастгоҳлар тонггача ишлатилмасди. Шундай қилиб, "Ҳумотекс"нинг дастгоҳлари тун сукунатини бузиб, барпо этилажак янги саноат гигантларидан хабар бермоқда. Мазкур корхонанинг иш бошлаши боис, тумандаги ёшлар қўшимча иш ўринлари билан таъминланишди.

Қолаверса, тумандаги Хўжаилғор, Фурқат маҳаллаларида истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига 600 минг сўмлик моддий ёрдам кўрсатилди. Наврўз байрами арафасида эса ёш оилаларга ғамхўрлик кўрсатиш мақсадида уларга моддий қўллаб-қувватлаш кўзда тутилган.

Жорий йил корхона учун хайрли бошланди. Хусусан, яқиндагина Қарши шаҳрида бўлиб ўтган "Ташаббус – 2008" вилоят кўрик-танловида ушбу жамоа аҳли биринчи ўринни қўлга киритди. Бу эса ўз навбвтида жамоа ишчи-хизматчиларини янада ғайрат билан меҳнат қилиб, янгидан-янги маҳсулотлар турларини ишлаб чиқаришга ундаши шубҳасиз.

Абди ҲАЙДАРОВ

Суратларда: йигирув цехи ишчиси Ҳулкар Норқобилова (1-бетда) ва созловчи-уста Насриддин Умаров.

2008 ЙИЛ – "ЁШЛАР ЙИЛИ"

Эътиборга **эҳтиром зарур**

Халқимизнинг "Вақтинг кетди — нақдинг кетди" деган мақоли ҳар биримизни бугун кечагидан, эртага бугунгидан мазмунли яшашга, орзу-ниятларимизни рўёбга чиқариш учун астойдил интилишга ундамайдими, даъват этмайдими?!

Бу ҳақда кўп гапирсак-да, амалда деярли ҳар куни анчагина вақтимизнинг зое кетишига ўзимиз сабабчи бўлаётганлигимизни биламизми? Мана, бир мисол:

Ҳар куни ишга, ўқишга борамиз. Бироқ метро поездида ҳам, автобус ёки трамвайда ҳам китоб, газета, журнал ўқиб ўтирганларни камдан-кам кўрамиз. Ўқимаганимизга яраша ўзимизга керакли бўлган мавзуларда фикр юритсак, баҳслашсак, ўзимизни ўйлантираётган муаммолар ва албатта, кўпроқ маънавияту, қадриятларимиз ҳақида гаплашсак, ёмон бўлмас эди.

Қаранг, кўз юмиб очгунча 2008 йилнинг икки ярим ойи ўтиб кетибди... Бу — умримизнинг тўқсон куни. Одатда, эски йилни кузатаётиб, янги йилга қадам қўяётганда ўтган ўн икки ойда амалга оширган ишларимизни сарҳисоб қиламиз. Баъзи юмушларимизни янги йилга кўчирамиз. Иш устига иш юкланади. Бу юк қанчалик залворли бўлмасин, кўтаришга мажбурмиз. Акс ҳолда у бизни босиб қолади. Бу эса бизни йўлидан адашган йўловчининг аҳволига солиб қўяди. Адашмаслик учун эса вақтдан самарали фойдаланишимиз лозим. Шу нуқтаи назардан қараганимизда "Ёшлар йили" деб эълон қилинган 2008 йил улкан имкониятлар йили десак янглишмаймиз.

Энг аввало шуни айтиш керакки, айнан 2008 йилнинг "Ёшлар йили" деб эълон қилиниши бежиз эмас. Чунки йиллар давомида бунга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўрилди. Ёшларнинг замон талаблари даражасида таълим-тарбия олишлари учун Юртбошимиз ташаббуси билан мазкур тизимнинг ўзимизга хос, ўзимизга мос бетакрор ҳуқуқий асослари ва моддий-техник базаси вужудга келтирилди. Бу эса "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури" асосида таълимни тубдан ислоҳ қилиш имконини берди.

Эътироф этиш жоизки, мустақиллик йилларида изчил олиб борилган ислоҳотлар натижасида таълим тизимининг мазмун-моҳияти ҳавас қилгулик даражада ўзгарди. Буни шу давр ичида 1200 дан зиёд академик лицей ва касб-ҳунар коллежи, 4600 дан ортиқ умумтаълим мактаби янгитдан бунёд этилиб, реконструкция қилинганлиги ҳамда замонавий ўқув лаборатория жиҳозлари билан таъминланганлигида, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим тизимида 100 дан зиёд йўналиш, 265 та мутахассислик, 700 та касб бўйича профессионал таълим олган ва замонавий фикрлаш салоҳиятига эга бўлган бир миллион нафардан ортиқ янги авлод кадрларининг тайёрланганлиги мисолида ёркин кўриш мумкин.



Республикамиз аҳолисининг 64 фоизидан кўпроғини ёшлар ташкил этаётганлигидан қувонмай бўладими?! Бу ҳар биримизга фахр ва ғурур бағишлайди. Буюк мақсадлар йўлидаги ишларимизнинг давомчилари бўлган ана шу ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий баркамол инсон бўлиб етишишлари учун давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ҳар қандай ривожланган мамлакатдан баланд бўлса баландки, аммо паст эмас.

Республикамиз аҳолисининг 64 фоизидан кўпроғини ёшлар ташкил этаётганлигидан қувонмай бўладими?! Бу ҳар биримизга фахр ва ғурур бағишлайди. Буюк мақсадлар йўлидаги ишларимизнинг давомчилари бўлган ана шу ёшларнинг жисмонан соғлом, маънавий баркамол инсон бўлиб етишишлари учун давлатимиз томонидан яратилган шарт-шароитлар, кўрсатилаётган ғамхўрлик ва эътибор ҳар қандай ривожланган мамлакатдан баланд бўлса баландки, аммо паст эмас.

Халқимизда қарс икки қўлдан, деган яхши гап бор. Агар мамлакатимиз ёшларининг инсонпарвар, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш орқали озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаётга эришиш учун астойдил интилаётганликларини ғурур билан гапирадиган бўлсак, **энди уларнинг ўзларини ҳам давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликка, яратиб берилаётган шарт-шароит, имконият ва имтиёзларга жавобан амалий ишлар ташаббускорлари сафида кўрадиган вақт келди.** Ташаббусга эса ҳар доим ҳам ўрин бор. Мана шу кунги ҳаётимиздан баъзи воқеаларни эслаб ўтайлик.

Маълумки, ҳар йили халқимизнинг қутлуғ байрами Наврўзни шоду-хуррамлик билан нишонлаш учун ободонлаштириш ҳамда кўкаламзорлаштириш ишларини амалга оширамиз. Олий ва ўрта махсус ўқув юртларида таҳсил олаётган йигит-қизларни бундай тадбирларга оммавий равишда жалб этиш, ўзларига тегишли бўлган ўқув юрти ва унинг ётоқхоналарини тоза-озода тутиш, жиҳозларини авайлаб-асраш, лозим бўлган жойларни гулзорга айлантириш, мевали ва манзарали кўчатлар ўтказиш — буларнинг ҳаммасига меҳр билан ёндашиш билан ёш қалбларнинг ўз уйига, ўз маҳалласи, ўқув маскани-ю, иш жойига, бир сўз билан айтганда буюк Ватанимизга бўлган меҳр-муҳаббати янада ортади ва мустаҳкамланади. Албатта, ҳар бир талаба, ҳар бир йигит-қиз ўз қўли билан ўтқазган кўчатларни, яратган боғини уч-тўрт йил давомида назаридан қолдирмаса, шикастланишига йўл қўймаса, парвариш қилишдан эринмаса, албатта, меҳнатининг мевасини кўради. Ўшанда қалби ғурурга тўлиб, бу ишни давом эттиришга бел боғлайди ва ўзгаларни ҳам бунёдкорликка даъват этади.

Яна бир мисол. Албатта, Тошкентда Амир Темур бобомиз номи билан аталадиган Ботаника боғи борлигини пойтахт талаба-ёшларининг кўпчилиги билишмаса ҳам керак. Қани энди, бу масканда ҳар бир туман "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг, ҳар бир олий ва ўрта махсус ўқув юртининг бири-биридан гўзал бўлган нодир гуллару дарахтлардан иборат мўъжазгина гулзори-ю, боғи бўлса. Талаба-ёшлар бир-бирларининг ишларини кўриб, энг намунали гулзор, энг намунали боғ барпо этишга интилсалар, бунинг учун кўрик-танловлар ўтказилиб, ғолиблар рағбатлантирилиб борилса, нур устига аъло нур бўлур эди. Илмий аҳамиятга эга бўлган Ботаника боғининг дунёдаги энг гўзал боғлардан бирига айланиши бу масканда кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар ўтказиш имконини беради. Айни пайтда у туризм учун ҳам катта даромад манбаи сифатида хизмат қилиши мумкин.

Халқимизнинг кексалару, беморларнинг ҳолидан хабар олиб, уларни ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашдек олижаноб одати, шубҳасизки, ёшларни меҳр-оқибат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эга эканлигини яхши биламиз. Аммо ўз умрини, ҳаётини таълим-тарбияга, илм-фан ривожига бағишлаган, бугунги кунда эса эшигидан кимнингдир ҳол сўраб кириб келишини интизор бўлиб кутадиган нуроний отахонлару, онахонларни, хаста бўлиб қолган кишиларни унутиб қўймаяпмизми?!

Бундан икки йил муқаддам ана шундай инсонлардан бири бетоблиги туфайли бирмунча муддат институтга кела олмади. Унинг дарсини биров истаб, биров истамай ўтиб турди. Бир хонали уйда еттинчи синфда ўқийдиган қизи билан турадиган домла кутилмаганда оламдан кўз юмди. Беш-олти киши бўлиб дарҳол домланинг уйига бордик. Кўшниларидан бошқа ҳеч ким йўқ, қизининг фарёдига эса чидаб бўлмас эди. Маълум бўлишича, уй бекаси тижорат ишлари билан хорижга кетиб қолган ва анчадан буён ўша ерда яшаётган экан. Яқин атрофда элу ҳешлари бўлмаганлиги учун домлани ўзимиз дафн этдик. У кишининг қизи эса қўшни аёл билан қолди. Ростини айтганда, ўзимиз билан ўзимиз бўлиб, қиздан ҳеч қайси биримиз хабар ололмадик. Кейинги тақдири билан қизиқмадик ҳам. Бугун ўша манзараларни эсласам, юрак-бағрим ўртаниб, вужуд-вужудим титраб кетади. Барибир бундай савобли ишларга вақт ажрата олмаётганлигимизни-ю, қўлимиз калталик қилаётганлигини баҳона қилишимиз инсофдан эмас.

Сир эмаски, бугунги талаба-ёшлар уяли телефонсиз юрмайди. Ўқув юртига кириб келганидан чиқиб кетгунига қадар қўлидан телефон тушмайдиганлари талайгина. Ўқишга дафтар-китобсиз келиб, телефонсиз келмайдиганлари ҳам йўқ эмас. Нафақат танаффус пайтида, балки дарсда ҳам телефон ўйнаб ўтирадиган талабалар ҳам йўқ эмас. Бундай талабаларнинг мақсади, фикру-хаёли ўқишга қаратилган деб бўладими? Йўқ, албатта. Номигагина ўқиётганлар, бир амаллаб қониқарли баҳо олишга югурадиганлар ҳам ана шу тоифадагилардир. Уларнинг дарс пайтида бир-бирларига тутуруқсиз "SMS" лару, мусиқалар йўллаб, бошқаларга ҳалақит бераётганликлари-ю, ўқитувчининг асабини бузаётганликлари ортиқча бўлмоқда. Баъзи талабалар қўлига китоб олмай ёки фаннинг номи-ю, ўқитувчисининг исм-шарифини билмай олийгоҳни битириб кетмоқда. Ота-оналар эса парвойипалак. Хўш, бунга биз ҳам томошабин бўлиб, қараб турамизми? Йўқ! "Касални яширсанг, иситмаси ошкор қилар" деган мақолнинг мазмунини уяли телефон ўйнашни ўқишдан афзал кўраётган талаба ва ўқувчиларга тушунтиришга ҳамда уларни бу йўлдан қайтаришга ҳаммамиз биргалашсак, албатта, ижобий натижага эришамиз. Қанийди талабаларнинг қўлларидаги телефонлар ўрнига буюк боболаримиз асарларини кўрсак. Ёшларни китоб ўқишга қайтариш, бадиий ва илмий асарлар, дарслик ва ўқув қўлланмалари бўйича баҳс-мунозаралар ўтказиш, фан билимдонлари танловларини уюштириш бугуннинг энг долзарб вазифаси эмасми?! Агар илм инсонни иймон-эътиқодли, ор-номуслию виждонли, диёнатлию садоқатли, ҳалол ва камтарин, сабр-қаноатли, элпарвару юртпарвар, мард ва фидойи қилиб тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга эканлигини табала-ўқувчига ҳаётий мисоллар орқали сингдирсак, қалбига, онгию шуурига жо этсак, ҳеч шубҳасизки, у илмга меҳр қўяди.

– Дунёда турмоқ учун, – дейди Маҳмудхўжа Беҳбудий, – дунёвий фан ва илм лозимдур, замона илми ва фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур.

Чиндан ҳам шундай. Бу ҳаёт ҳақиқати. Ҳаёт ҳақиқатининг мағзини, моҳиятини теран англаш ва ўзгаларга ҳам англатиш илмли кишиларгагина хос бўлган фазилатдир.

Нуриддин ОЧИЛОВ,
журналист.

"СУРХОНИККИЛАМЧИҚОРАМЕТАЛЛ"
масъулияти чекланган жамияти

барча юртдошларимизни Наврўз байрами билан табриклайди. "Ёшлар йили"да жамики эзгу ниятларимиз ижобат бўлсин!

ТУЙҒУ

Бобо **юртим ҳайратлари**

Юракнинг бир ҳапқириши бор. Бобом юрти исларини соғинганга ўхшайди. Тоғларнинг нақ гирдибонида чопқиллаб, зира, чиккак териб юрган озод дамларини кўмсадимикин?! Ҳайтовур, юракни хўрозқанд бериб овутиб бўлмаса керак. Қишлокдошлар айтишди: Кундаи жувозда баҳор аллақачон бошланган экан.

ЭШИГИНГНИ ОЧ "СИМ-СИМ"

Сурхон воҳасининг чекка бир Ҳисорак дегич қишлоғидан чиқаверишда Тўпалангдарё оқиб ўтади. Дарёнинг нариги соҳилидаги ҳайқириб оқаётган кўм-кўк сувлар билан туташиб кетган пурвиқор тоғларни Кундаи жувоз дейишади. Бу тоғлар мўъжизалар маскани, тилсимлар макони. Бу жойларга мени етмишни қоралаган бўлсалар-да қадди шу тоғлардай мағрур бобом етаклаб борган. Торгина дара бўйлаб кетар эканмиз, бобомнинг болалиги ўтган Новвак қишлоғи кўринди. Шовқинли дарани четлаб, танаси инсон қучоғига-да сиғмайдиган баҳайбат чинорни кўзлаган ҳолда тоққа кўтарила бошладик. Ёлғизоёқ йўлнинг ярмига етганда бобом бўйи бир метр, эни ярим метрча бўлган қоронғу дарчани кўрсатдилар. Бу сирли зиёратгоҳ экан. Кимнингки бу дунёда гуноҳидан кўра савоби кўпроқ бўлса, шу кавакдан кириб тоғнинг бағридаги ажойиботларни кўра оларкан. Ривоятларга кўра, бу жойга бир бойнинг қотил ўғли беписандлик билан кирибди. Нимқоронғу ғор ичидаги ялтироқ тош ҳайкалчалар, турли ажойиб суратларни ҳайрат билан томоша қилиб чиқаётса, кўтаришга одамзод кучи етмайдиган даражадаги катта тош сурилиб, ғорнинг оғзини ёпиб қўйибди. Йигит тавба-тазаррулар қилиб, отаси зиёратгоҳнинг пойига қўй сўйиб, қон чиқаргандан сўнг, кунлар ўтиб ҳалиги тош қайта жойидан силжиган эмиш...

Шу-шу бу маконга камдан-кам киши юрак ютиб кира оладиган бўлибди.

"ҚЎЛИНГНИ ЮВ, КЎНГЛИНГ ОҚАРСИН"

Новвакдан ўтиб, яна бир тоғ оша Важжак дегич қишлоққа бордик. Ҳаммаёқ боғ-роғларга айланган. Билиш мумкинки, қишлоқ аҳлининг тирикчилиги боғдорчиликдан (айтишларича, бу ерда фақат мева пишиғи пайтида яшашади. Қишни эса қишлоқ деган жойда ўтказишаркан. Ҳозирда бу ҳудудда 10-15 хонадон яшайди, холос).

Бўйи Саййид чашмаси бошига борганда бобом "Яхши ниятлар билан қониб ичгин, юз-қўлингни ҳам ув. Бу пок сув", дедилар. Тоғ ўтлари ҳиди анқиб турадиган кўкимтир сувни ичар эканман, бувамни яна саволга тутаман: "Нега буни Бўйи Саййид дейишади? Нимага бундай ном олган?" "Бу қишлокда Саййид исмли бобомиз ўтганлар. Дарадан узоқда жойлашган бу жойларга тик қоялар оша ариқ қазиб, чашма сувини тушириган, боғлар барпо этганлар. Шунинг учун чашма Бўйи Саййид (Саййид бобо) номини олган", дедилар бобом ҳар доимгидек сувга тикилган кўйи нималарнидир хотирлаб.

"БОЙЧЕЧАГИМ БОЙЛАНДИ"

Бобо юртимнинг Наврўзи ҳам айрича бўларкан. Неча асрлар суронига гувоҳ тутларнинг остида, тоғ этагида ўт ёқиб, дошқозонда сумалак осиладди. Кенг енгли узун кўйлакларининг этагини чимдиб олган янгалар қозон остига ўт қалайди. Бошига оқ сурпдан бошбоғич, унинг устидан торгина рўмолни пешонадан танғиб олиб, унинг устидан-да кенг шойи мато ташлаб олган момолар нишакининг тобини келтириш билан оввора. Юлдузлар қўлингни сал чўзсанг етгудек кўриниб турган тоза осмон, димоққа хуш ёқадиган мусаффо ҳаво, қоп-қора тоғларнинг мағрур қиёфаси қалбга кенглик бахш этади. Азонда солинган сумалак кечга бориб таъм ола бошлайди. Тун чўккани сари юрагимни алланечук вахм боса борди. Ахир бу ерларда электр чироғи деган нарса бўлмаса... Қайсидир дарахт шохида ўтирган каккуларнинг ку-кулашию, яна менга нотаниш бўлган аллақандай ҳайвонларнинг овози эшитилиб турибди. Хайриятки, янгалар оқшом чўккан маҳал гулхан ёқиб, тун тадоригини кўра бошлашган. Кун бўйи чиллак ўйнаб чарчаган болакайлар гулхан атрофидаги кўрпачаларда мудраб ўтиришибди. Аёлларнинг доира чалиб, шўх лапарлар айтиб, рақсга тушишларига уйқу тўла кўзларини катта-катта очиб қарашади. Шу пайт акасининг эски ковушини кийиб олган 5-6 ёшлардаги болакай қўлчасида сўлиб қолаёзган бойчечакни ғижимлаганча акалари ўргатгандай чийиллай кетди:

Бойчечагим бойланди,
Қозон-товоғинг айлонди.
Айлонингдан беймасанг,
Қозон-товоғинг вайлонди...

Майдалаб берган ўтинлари тугар-тугамас оналарининг қийқириғидан қулоғи қоматга келган тоғ йигитлари яна ўтин ташвишига тушишарди.



Қуёш шундоққина ёнимиздан бош кўтариб, уйқудан уйғона бошлаган чоғ эса бутун қишлоқ аҳли таомлар султони сумалакдан баҳраманд бўлишади.

ТОҒЛИКНИ ТОҒ АСРАЙДИ

Эрта тонгда сурувини тоққа ҳайдаб кетаётган 16-17 ёшлардаги қизнинг бир эчкиси баландлаб қоча бошлади. Қиз асфальт йўлда юргандек чопиб-чопиб, сакраб-сакраб чўққига етдию, қочоқ эчкини олд томонидан қайтариб сурувга қўшди.

Ҳай-ҳай, тоғликни тоғ асрайди, деганлари рост экан. Дунёси тоғ, юраги тоғ, ҳаёти тоғ бўлган бу қизалоқни кузатар эканман, негадир шаҳарнинг текис йўллари ҳам бизни асрармикан, деган фикр хаёлимдан ўтди...

Ситора ТОЖИДДИНОВА

Фарғона вилояти "ҚУВА ПАХТА ТОЗАЛАШ" ҳиссадорлик жамияти жамоаси

азиз Ўзбекистонимизнинг халқини, мўътабар кексаларимиз ва бахтиёр ёшларимизни, барча-барчангизни Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Она юртимизга камалак нурларидек жилоланиб, гулгун фасл — Баҳор кириб келди. Файзу барокат, руҳий тетиклик ва бардамлик, хуш кайфият ва янгича илҳом туйғулари билан Наврўзи олам ташриф буюрмоқда.

Ҳаётимиз худди ана шу мўътабар айём қувончларидек доимо кўтаринки, шодон нашидаларга тўлиқ бўлсин!

МОЛИЯ МУАССАСАЛАРИДА

«Мижозлар ишончи – истиқбол кафолати»,

– дейди республика Давлат-тижорат Халқ банки раисининг биринчи ўринбосари Атҳам Ҳайдаров

Маълумотларга қараганда, мамлакатимизда фаолият юритаётган ҳар бир банкка 5 минг аҳоли тўғри келади. Бу ривожланган мамлакатлардаги кўрсаткич (4 минг киши) дан унчалик паст эмас. Қўшни мамлакатлар, хусусан, Россия ва Қозоғистонда эса ҳар бир банкка 20 мингдан зиёд аҳоли тўғри келаркан. Мазкур маълумотларни келтиришимиздан мақсад шуки, юртимизда кенг кўламли банклар тармоғи яратилган ва бу халқимиздаги банк хизматига бўлган эҳтиёжни тўлиқ қондириш имконини беради. Мустақиллик йилларида бу соҳада олиб борилган ислоҳотлар мана шундай кўрсаткичларга эришишимизга сабаб бўлди. Йилдан-йилга банк тизимига бўлган ишонч ҳам ошиб бормоқдаки, натижада, бугунги кунга келиб, аҳолининг тижорат банкларидаги маблағлари миқдори 1 триллион сўмдан ошиб кетди. Президентимизнинг шу йилнинг 20 февралида қабул қилинган "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони соҳани янада ривожлантириш йўлида муҳим омиллардан бири бўлади, десак янглишмаймиз. Республика Халқ банки раисининг биринчи ўринбосари Атҳам Ҳайдаров билан суҳбатимизни, шубҳасизки, мазкур Фармон мазмун-моҳияти ҳақидаги саволдан бошладик.

— Фармонда аҳолининг банк тизимига ишончини мустаҳкамлаш, накд пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш, эркин пул маблағларини тижорат банклари омонатларига жалб этишни рағбатлантириш кўзда тутилган. Бу эса мамлакат иқтисодиётини жадал ривожлантириш ва халқнинг турмуш даражасини ошириш учун муҳим инвестиция манбаи бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз. Мазкур Фармон талабларига мувофиқ, 2008 йил 1 апрель – 2009 йил 1 апрель оралиғида исталган киши банкда ўз ҳисобварағини очиб, келиб чиқиш манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатлар тақдим этмасдан, миллий ва хорижий валютада чекланмаган миқдорда пул маблағини қўйиши мумкин. Айни пайтда банкка қўйилган маблағлар солиқ ва шу каби мажбурий тўловлардан озод қилинади. Қолаверса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва бошқа назорат органларига омонат қўювчи жисмоний шахслардан пул маблағларининг келиб чиқиш манбалари тўғрисидаги ҳамда банк сири бўлган бошқа маълумотларни сўраб олиш қатъиян тақиқланган.

— Сир эмас, аҳоли орасида банкка қўйилган омонатларни ўз вақтида ололмайсан, деган тушунчалар ҳам йўқ эмас. Фармонда эса омонатчилар ҳисобварақларига қўйилган пул маблағларини чекловларсиз ихтиёрий равишда тасарруф этишлари мумкинлиги қайд этилган...

— Айтиш жоизки, сиз айтган муносабатлар мамлакатда ягона монополист банк ҳукмрон бўлган даврлардан қолган асоратлардир. Банкка бўлган ишончсизлик пулни уйда сақлашдек иллатни келтириб чиқарган. Мустақиллик йилларида республикамизда 30 га яқин банклар, уларнинг 8 мингдан ортиқ филиал ва бўлинмалари ҳар бир ҳудудда мижозларга хизмат кўрсатаяпти. Шундан ҳам билиш мумкинки, банк хизматидан фойдаланиш учун аҳолига керакли шароитлар яратилган. Мижозда банк танлаш имконияти етарли. Ҳисобварақлардаги маблағни қаерда қўйишдан қатъи назар шу банкнинг исталган филиалидан олиши мумкин ва бунинг учун барча филиалларда накд пул захиралари ташкил этилганлиги сиз айтган хавотирга ҳеч қандай ўрин қолдирмайди. Қолаверса, Марказий банк ва тижорат банклари бошқарувлари бу масалани қатъий назоратга олган.

— Энди бевосита Халқ банки фаолиятига тўхталсак. Биздаги маълумот ва рақамларга қараганда, мазкур молиявий муассаса 2007 йилни ижобий натижалар билан якунлаган. Тобора мижозлар ишончи ҳам ортиб, Халқ банкининг аҳоли ўртасидаги нуфузи ошиб бораётган экан...

— Тўғри таъкидладингиз, Давлат-тижорат Халқ банки иқтисодиётимизни ислоҳ қилишга қаратилган, миллий валютамизнинг барқарорлигини таъминлашга йўналтирилган ва бошқа чора-тадбирлар борасида ўтган йил давомида бир қатор ижобий натижаларга эришди. Халқ банкига ишонч билдириб ҳисоб рақам очган мижозлар сони биргина 2007 йилнинг ўзида 6,7 мингдан ошди. Шунингдек, йил давомида иқтисодиётнинг реал секторини, айниқса, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш, инвестицион йўналишдаги кредитлар ҳажми ва мижозларга кўрсатилаётган хизмат савиясини оширишга алоҳида эътибор қаратдик. Натижада, йил бошига нисбатан банк ялпи капиталини 7,1 миллиард сўмга, ресурс базасини 138,9 миллиард сўмга, активларини 120 миллиард сўмга оширишга эришилди.

— Ҳаммамизга маълум, бугун бўш пул маблағларини банк оборотига жалб қилиш ва шу орқали ресурс базасини ошириш, кредит имкониятларини кенгайтириш барча банклар учун асосий вазифалардан саналади. Бу борада, айниқса, янги депозит омонатларини ташкил этиш муҳим тадбирлардан биридир. Банкда айни шу масала бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда?

— Бизда филиалларимиз сони кўплиги, ҳаттоки узоқ қишлоқ маҳаллаларида ҳам бўлимларимиз фаолият кўрсатаётганлиги сабабли асосий эътиборни жисмоний шахслар маблағларини банк депозитларга жалб қилишга қаратилди. Мутахассисларимиз республикамиз депозит бозорини мунтазам равишда таҳлил қилиб боришди. Мижозларнинг талаб ва истаклари ўрганилиб, янги омонат турлари амалиётга татбиқ этилди. Энг асосийси, омонатчиларнинг биринчи талаби бўйича депозитлардан маблағларни берилиши таъминлаб борилмоқда. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида жисмоний шахслар депозитлари 167,3 млрд. сўмга етказилди. Фоиз даромадларнинг ҳар ойда ёки омонат очилган кунинг ўзида олиш, шунингдек, коммунал тўловларга йўналтириш каби имконият ва қулайликлар яратилди. Шунинг ҳисобига Халқ банкига омонатчилар ишончи ортиб, 2007 йилда таклиф этилган 20 га яқин омонат турларига жисмоний шахсларнинг 80 млрд. сўм бўш пул маблағлари жалб қилинди. 2008 йилнинг ўтган даврида эса 5 та янги омонат турлари аҳолига тавсия қилинди. Бу борадаги ишимиз доимо ривожланиб боради.

— Банкка бўш пул маблағларининг кўпроқ жалб қилиниши банкнинг кредит имкониятларини оширишга хизмат қилади. Ўз навбатида мамлакат иқтисодиёти ривожи, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва инвестицион жараёнларда кенгроқ қатнашиш учун шароит яратади, шундай эмасми?

— Кредит тизими банклар фаолиятининг асосини ташкил этади. Шунингдек, молия муассасаларининг мамлакат иқтисодиёти ривожига қўшадиган ҳиссаси ҳам кредит билан боғлиқ.

— Сизнинг айтганларингиздан шундай хулоса чиқариш мумкинки, банк кредит портфелининг қанчалик ошиши унинг иш унумини ҳам кўрсатади. Сир бўлмаса, Халқ банкининг ўтган йилги кредит портфели ҳақида ҳам маълумот бериб ўтсангиз.

— Бу жиҳатдан бизда ишлар ёмон эмас. Ўтган йили банк кредит портфели қарийб 2 баробарга ортди, жами 120 миллиард сўмга етди. Хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларга 230 млрд. сўм миқдорида кредитлар ажратдик, шундан 67,3 млрд. сўмлик инвестицион лойиҳалар молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилган. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш билан боғлиқ лойиҳаларга 21 млрд. сўм маблағ ажратилди, 5 млрд. сўми микрокредитлар улушига тўғри келади. Тадбиркор аёлларга 5,8 млрд. сўм имтиёзли кредитлар берилди.

— Демак, Халқ банки томонидан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш борасида ҳам ибратли ишлар қилинаётган экан. Кейинги йилларда қишлоқ жойларида ишлаб чиқаришни ривожлантириш, янги иш ўринларини яратиш, ёрдамчи хўжаликларни кўпайтириш бўйича республика миқёсида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда. Бундан Халқ банки ҳам четда турмаган бўлса керак?

— Банк республикамизнинг турли ҳудудларида фаолият юритаётган филиаллар орқали фермер хўжаликларига техника учун 15,5 млрд. сўм миқдорида кредит ва лизинг хизмати кўрсатди. 16 мингдан ортиқ фермер хўжаликлари 2007 йил пахта ва ғалла ҳосилини етиштириш учун 80 млрд. сўм имтиёзли кредит ажратди.

Шахсий ёрдамчи хўжаликларда чорвачиликни ривожлантириш ҳам эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ: 13 мингга яқин фуқароларга 11,6 млрд. сўм микрокредитлар берилди. Банк томонидан ажратилган кредитлар эвазига 28403 та янги иш ўрни ташкил этилиб, малакали ёшларни иш билан таъминлаш имконияти яратилди. Ипотека ва истеъмол кредитлари миқдори эса 44 млрд. сўмни ташкил этди.

Президентимиз ғамхўрлиги билан юртимизда ёш оилалар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланаётганидан хабарингиз бор. Шу мақсадда 5381 нафар оилага 12,7 млрд. сўм ипотека, истеъмол ва микрокредитлар ажратилдики, бу ҳам ўз навбатида шунча оиланинг мустаҳкамланиши ва халқимиз турмуш тарзининг яхшиланишига сабаб бўлса ажаб эмас.

— Суҳбатимиз аввалида пулнинг банкдан ташқари айланмасини қисқартириш борасида амалга оширилаётган тадбирлар ҳақида қисман тўхталган эдик. Бу борада накд пулсиз ҳисоб-китоб тизимининг жаҳон тажрибасидан ўтган шакли — пластик карточкалар тизимини кенгайтириш муҳим чоралардан бўлса керак, албатта. Лекин аҳолига ундан фойдаланиш учун қандай шароитлар яратилмоқда?

— Халқ банкининг 112 мингга яқин пластик карточкалари эмиссия қилинди. Пластик карточкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун 1200 дан ортиқ, шу жумладан, 920 та савдо ва маиший хизмат ҳамда умумий овқатланиш корхоналарига терминаллар ўрнатилиб, мижозларга кўрсатилаётган хизмат савияси ошириб келинмоқда. Пластик карточкалар орқали "Овердрафт" истеъмол кредитлари амалиётининг кенгайтирилиши мингдан ортиқ банк мижозларининг республикамизда ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларига бўлган эҳтиёжини қондиришга хизмат қилди. Бу борадаги ишимизни янада кенгайтириш бўйича қатъий чоралар кўрилмоқда.

— Ҳар бир соҳанинг келажаги кадрлар сиёсати билан боғлиқ кечиши бор гап. Қолаверса, кадрлар малакасини ошириб бориш бугунги кун учун ҳам жуда муҳимдир. Халқ банки мана шу масалага қай даражада эътибор кўрсатяпти? Халқаро ҳамкорлик ҳам йўлга қўйилганми?

— Бизда доим кадрлар сиёсати энг олд ўринларида туради. Айниқса, филиал ва бўлимларимизда ишлаётган ходимлар малакасини оширишга катта эътибор қаратамиз. Ўтган йили 285 нафар иқтидорли мутахассисларимиз Минтақавий банк ўқув марказида, 12 нафар мутахассис Банк-молия академиясида ва 2000 дан ортиқ ёш мутахассислар Халқ банки ўқув марказида малакаларини ошириб, ҳозирда мижозларга намунали хизмат кўрсатиб келишмоқда.

Халқаро алоқаларимизга келсак, Германия Жамғарма кассалари фонди билан ҳамкорликда 2007 йил давомида 20 га яқин мутахассисларимиз Германиянинг йирик молия институтларида кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини кредитлаш йўналишларида ўз малакаларини ошириб қайтишди. Ўзаро манфаатли алоқаларимизни янада ривожлантириш мақсадида ҳамкорлик муддатини 2011 йилгача узайтиришга келишиб олинди.

— Халқ банкининг бу йилги режалари қандай?

— Банк жамоаси жорий йилда ҳам асосий эътиборни мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга ўз улушини қўшиш ва "Ёшлар йили" Давлат дастурини амалга оширишда иштирок этишга қаратади. Мижозлар ишончи — истиқболимиз кафолатидир. Банкнинг барқарор фаолиятини таъминлашда ҳам мижозларнинг ишончи катта аҳамият касб этади. Шуни назарда тутсак, Президентимизнинг "Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони эълон қилинишида ҳикмат кўплигини англаб олиш қийин эмас.

Ислом СУЛТОНОВ суҳбатлашди. ®

BANK XALQ BANKI

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ — STATE COMMERCIAL PEOPLE'S BANK

Давлат-тижорат ХАЛҚ БАНКИ

муқаддас юртимиз аҳлини меҳр-мурувват рамзи — "Наврўз" айёми билан самимий муборакбод этади.

Азизлар, хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, қалбингиздан қувонч, дастурхонингиздан қут-барака аримасин.

Юртимизда тинчлик-осойишталик, оилангизда фаровонлик доимо ҳукмрон бўлсин.

Оилангизга мустаҳкамлик ва ишларингизда ривож тилаган ҳолда

"Оила фаровонлиги" истеъмол кредитидан фойдаланишни ТАВСИЯ ЭТАДИ.

Бунда Сиз:
- Миллий ҳунармандчилик ва касаначилик билан шуғулланиш;
- Уй-жой (ҳовли) ва квартираларни таъмирлаш;
- Дори-дармонлар сотиб олиш ва даволаниш;
- Ўз оила эҳтиёжларингизни қондириш мақсадида чорва моллари, парранда ва улар учун ем-хашак харид қилиш;
- Республикамизда ишлаб чиқарилаётган уй-рўзғор буюмларини харид қилиш имконияти ва қулайликларга эга бўласиз.

ОИЛАНГИЗ БАНКИ ХИЗМАТЛАРИ ЭВАЗИГА ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИНГИЗНИ ОШИРИНГ!



ТАБРИК

Очиқ акциядорлик тижорат

TURON BANK

жамоаси

юртимиз аҳли ва меҳмонларини, шунингдек, омонатчи ва мижозларини баҳор айёми — Наврўзи олам билан муборакбод этади.

«Туронбанк» мижозларнинг омонатга қўйган пул маблағлари сир сақланишини кафолатлайди. Омонатга қўйилган пул маблағларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган. Омонатга қўйган маблағларингиз ҳисобига олинган даромадингиз солиққа тортилмайди.

АЙЁМ ТИЛАКЛАРИ

"ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ"

Давлат акциядорлик компанияси жамоаси

Она юртимизнинг барча фуқароларини, темир йўл ходимларини ўлкамизга ўз сепини ёйиб келаётган, фасллар келинчаги — Баҳор даракчиси, меҳр-мурувват ва эзгу амаллар айёми — Наврўзи олам билан табриклайди.

юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ҳар бир хонадонида Наврўз шукуҳи бардавом бўлсин. Барча-барчага хуш кайфият, тинчлик-тотувлик ато этсин. Истагимиз юртимизда баҳор ҳечаклари ифори, қувончу шодликлари ҳеч қачон аримасин.

Ҳар бир инсоннинг
ЙЎЛИ ОҚ, ТОЛЕИ БАЛАНД
бўлсин.

Самарқанд вилояти Оқдарё туманидаги «БИОМЕТОД» хусусий корхонаси жамоаси

халқимизни энг қадимий ва боқий айём – Наврўзи олам билан чин юракдан қутлайди. Ватанимиз осмони ҳамиша ёруғ, меҳнаткаш ва фидойи халқимиз доимо омон бўлсин.

Наврўзи олам муборак Азиз ҳамюртлар!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч ва баҳорий кайфият тилаймиз

ЎзР МБ нинг №74 сонли лицензияси

ҚУТЛОВ

FNQIZ

Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи ЖАМОАСИ

жонажон Ўзбекистонимизнинг барча аҳолисини эзгу орзулар ва бахтиёр онлар байрами — Наврўзи олам билан табриклайди. Осмонимиз ҳар доим мусаффо бўлишини, Ватанимиз равнақ топиши ва халқимиз янада фаровон яшашини тилаймиз.

Шодлик ва бахт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин!



Ўзбекистондагина эмас, балки Марказий Осиёда энг йирик корхоналардан бири бўлган — Фарғона нефтни қайта ишлаш заводида юқори октанли бензин, таркиби олтингугуртдан тозаланган дизел ёнилғиси, мотор, индустрал трубина, трансформатор мойларининг ноёб турлари, битумлар, кокслар, парафин, мойлаш ва бошқа 60 дан зиёд турдаги нефть маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Энг юқори самарадор, замонавий технологияда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларимиз ҳозирги вақтда дунёнинг 19 мамлакатига экспорт қилинмоқда. Маҳсулотларимиз сифати халқаро сертификатлар билан тақдирланган. Шиоримиз — Ватанимизнинг буюк келажагига эришиш учун муносиб ҳисса қўшиш.

Бухоро шаҳар ҳокимлиги

халқимизни фасллар келинчаги — Баҳор, янгиланиш, яшариш ва гўзаллик байрами — Наврўз куни билан қутлайди!

Юртимиз тинч, осмонимиз ҳамиша мусаффо, дастурхонимиз тўкин-сочин, келажагимиз янада фаровон бўлсин! Беқиёс орзу-умидлар, эзгу тилаклар рамзи бўлмиш ушбу қувончли кун мамлакатимиз аҳлига бахт-саодат, омад ва муваффақиятлар олиб келсин.

2008 йил — "Ёшлар йили"да жаннатмонанд Ўзбекистонимизда фақат ютуқ ва юксалишлар бўлсин.



Самарқанд вилоят Пастдарғом туман ўсимликларни ҳимоя қилиш бўлими жамоаси



юртдошларимизни қадимий ва гўзал, севимли умумхалқ байрами — Наврўзи олам билан муборакбод этади. Мамлакатимиз ободлиги, элимиз фаровонлиги ошаверсин.

"Ўзвиноасаноат"

ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

серқуёш диёримизнинг барча аҳолисини, юртимиз меҳмонларини баҳорий байрам, янгиланиш ва яшариш фасли — Наврўзи олам билан табриклайди.

Йил бошидаги ёруғ ўйлар, пок ниятлар ҳамиша Сиз билан.

Меҳнатсевар халқимиз ва она юртимизнинг келажаги Наврўздек фусункор ва тароватли бўлаверсин!



ФАОЛИЯТ

ТАЪЛИМ

"Иқбол"нинг истеъдодли болалари

Азал-азалдан халқимиз болалар таълим-тарбиясига жиддий эътибор қаратиб келган. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки ёшларда мустақил фикр юритиш, ён-атрофда бўлаётган воқеаларга тўғри баҳо бера олиш яхши шаклланмаган бўлади. Айтмоқчимизки, уларни янгитдан экилган ниҳолга ўхшатишимиз мумкин. Таниқли файласуфлардан бири шундай ёзган эди: "Беш ёшгача ҳар бир гўдакда даҳолик сифатлари мавжуд бўлади. Аммо, кўпинча ён-атроф талабларига, анъаналарига мослашиш гўдакдаги бетакрор сифатларни сўндиради. Уни бир қолипда фикрлайдиган ва бир тарзда яшайдиган омма вакилига айлантириб қўяди." Бундан шуни кўришимиз мумкинки, улғайиб келаётган ҳар бир мурғак қалб эгаси жамиятнинг ҳар бир бўғинида содир бўлаётган ишларнинг, бир маконда яшаётган одамларнинг таъсири (у ижобий ҳам, салбий ҳам бўлиши мумкин.) катта. Шундан экан, ҳар бир ота-она ўз зурриётини баркамол инсон қилиб тарбиялашда қўлидан келган барча ишларни қилишни истайди. Фарзандларининг ақлан ва жисмонан етук бўлишига катта аҳамият беради. Кимдир бу борадаги ишлар билан бевосита ўзи шуғулланса, яна биров боласини яхши таълим-тарбия олиши учун мактабгача таълим муассасаларига ишониб топширади.

Ҳақиқатан ҳам мактабгача ва бошланғич таълим болаларнинг келажаги учун пойдевор ясайдиган масканлардан ҳисобланади. Кўпчилигимиз фарзандларимизни яхши боғчаларга ёки мактабларда таҳсил олишини истаймиз. Табиийки, бугунги кунда барчани ҳамма нарсадан кўра ана шундай таълим масканлари кўпроқ қизиқтиради.

Пойтахтимизнинг Собир Раҳимов тумани халқ таълими бўлимига қарашли "Иқбол" номли 254 мактабгача ва бошланғич таълим мажмуаси республикамизда ўз ўрнига эга таълим-тарбия масканларидан бири ҳисобланади. Аввало, бу даргоҳни боғча десак боғчага, мактаб десак мактабга ўхшайди. Чунки "Иқбол" мажмуасида ҳам боғча ёшидаги болажонлар, ҳам мактаб бошланғич синф ўқувчилари сабоқ олишади. Яъни айни пайтда таълим масканида иккита бошланғич синфи ва иккита боғча гуруҳларида ўқитувчи ва тарбиячилар бор имкониятларини ишга солиб меҳнат қилишмоқда.

– Бизнинг мактабгача ва бошланғич таълим мажмуамиз ҳамиша кўпчиликнинг диққат эътиборида бўлиб келган, деб гап бошлайди мажмуа директори Дилбар Сулаймонова биз билан суҳбатда, –Фарзандларини етаклаб келган ота-оналар аввало бу ер мактабми ёки боғчами дея сўрашади. Албатта,бу нарса мени бироз таажжубга солади. Ахир улар болаларини қаерга олиб келишаётганини яхши билишлари керак! Аммо уларни тушунишга ҳаракат қиламиз. Негаки, бу ҳол бизнинг масканимизга биринчи бор келаётган кишини ўйлантиради. Эшигимиз олдига келиб, унинг пештоқидаги ёзувга кўзи тушган одам эҳтимол бироз иккиланиб қолар.

Хуллас, бу даргоҳда мактаб доирасида бошланғич синфлар ўқитилади. Шунингдек, боғча ёшидаги болалар тарбияланади. Бошқалардан фарқли жиҳати шундаки, кун давомида хизматда бўладиган ота-оналар учун бу ер энг қулай маскан ҳисобланади. Болалар билан эрталабдан кечгача машғулот олиб бориш билан биргаликда, уларга уч маҳал иссиқ овқат ҳам берилади.

Ушбу таълим тарбия даргоҳи билан "Иқбол" мактабгача ва бошланғич таълим масканини айланиб чиқарканмиз, болаларнинг ўқиб-ўрганишлари учун барча шарт-шароитлар яратилганига гувоҳ бўлдик. Машғулотлар ўтказиладиган хоналарда дарслар пайтида керак бўладиган барча ўқув қуролларининг мавжудлиги кишини қувонтиради. Мажмуа биносининг иккинчи қаватида жойлашган инглиз тили хонасига кирдик. Очиғи, ўн ёшлардаги қизалоқнинг инглиз тилида равон шеър ўқиётганини кўриб қойил қолдик. Баъзилар олий ўқув даргоҳини тамомлаб ҳам хориж тилида бийрон тилда шеър айта билмаслиги мумкин. Шуни ҳисобга олиб фикр юритадиган бўлсак, ушбу маскан ходимларининг ишларини юксак баҳоласак арзийди. Ҳайратимизни яширмасдан ўқитувчи Галина Александровна Цойдан болаларни бу даражада зукко этиб тарбиялашда нималарга эътибор қаратилиши хусусида сўрадик:

— Бизнинг мактабгача ва бошланғич таълим мажмуамиз инглиз ва рус тилларига ихтисослашган, — дейди у. — Қолаверса, бу ерга келадиган болаларнинг ҳаммаси иқтидорли ўғил-қизлар. Улар орасида шундай талантлилари борки, баъзида бизларни ҳам қилаётган ишлари билан ҳайрон қолдиришади. Шу боис бизга бошланғич синфга ўқишга келаётган бола махсус тест имтиҳонини топширади. Бу эса ўз навбатида кучлилар орасидан янада кучлисини танлаб олиш имкониятини беради. Улар билан бутун кун давомида шуғулланиш ҳам самарали натижа беради.

"Иқбол" мактабгача ва бошланғич таълим масканида турли хил тўгараклар очилган бўлиб, уларда болалар спортнинг шахмат, шашка ҳамда футбол турларини қунт билан ўрганишади. "Моҳир қўллар" чеварлик тўгарагида эса жажжи қизалоқлар миллий анъаналаримизни сақлаган ҳолда тикиш-бичиш сирларидан воқиф бўлмоқдалар.

Биз ушбу таълим-тарбия масканидан ортга қайтар эканмиз, юртимизнинг келажаги бўлган фарзандларимизга барча шароитлар мухайё этилган ушбу даргоҳда келажакнинг истеъдодлари тарбияланаётганидан қалб ғурурга тўлади.

Азим РЎЗИЕВ

ЎЗБЕКИСТОН – КЎП МИЛЛАТЛИ МАМЛАКАТ

Дўстлик ва ҳамкорлик туйғуси

Яқинда Республика Байналмилал маданият марказида «130 йил дўстлик ва ҳамкорликда» деб номланган халқаро илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши ва Байналмилал маданият маркази ҳамкорлигида ташкил этилди.

— Бунга асосий сабаблардан бири ўзбек халқининг бағрикенглиги, — дейди Дунган маданият маркази раҳбари Мане Савуров. — Миллатдошларимиз дунёнинг кўпгина минтақаларида учрайди. Улар Марказий Осиёда ҳам кўпчиликни ташкил этади. Ўзбекистонда маданият маркази 1990 йилдан буён фаолият юритиб келади. 1999 йили «Чинме» («Майса») фольклор ансамбли ту-

Суратда: Севара Яркубеева ва Зарина Ханшанло.

Кўринишидан ўзбекларга ўхшаш бу дунган қизларига қайси тилда мурожаат қилишни билмай тараддудланиб турган эдик, уларнинг ўзи ўзбек тилида бийрон-бийрон сўз бошлади:

– Ўз она тилимизни, бундан ташқари ўзбек ва рус тилларини биламиз. Яқин дўстларимиз орасида бошқа миллат вакиллари ҳам кўп.

Анжуманда сўзга чиққанлар Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат тинч-тотув, ўзаро аҳил яшаб келаётгани, уларга ўз қадрият ва маданиятларининг ривожланиши учун барча шарт-шароитлар яратилгани, юртимиздаги бу бағрикенглик сиёсати хорижий юртларда ҳам эътироф этилаётгани ҳақида тўхталдилар.

Улар орасида Дунган маданий марказининг ўз ўрни мажудлиги шубҳасиз. Улар асосан хитой тилининг шеньси шевасида сўзлашади. Шунингдек, луғат бойлигида туркийча, арабча ва форсча сўзлар ҳам учрайди. Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги Дунган-маҳалла ва Фарғона водийсида истиқомат қиладиган уч мингдан ортиқ дунган ўзларининг неча минг йиллик анъаналарини сақлаб келишмоқда.

зилди. Биз ҳақимизда кейинги йилларда 6 та ҳужжатли фильм суратга олинди, ОАВга кўплаб чиқишлар қилиб турамиз. Камчилик бўлсак ҳам, ишонч билан айтишим мумкинки, бугун республикамизда аксарият биз – дунганларни, ўзига хос урф-одатларимизни яхши билишади. Айниқса, дунган таомларини эшитмаган, бир тановул қилиб, узоқ йиллар мазасини эслаб юрмаган юртдошимиз кам топилса керак.

Анжуманда «Дунган оиласи» ва «Дунган ошхонаси сирлари» номли китоблар тақдимоти ҳам бўлиб ўтди. «Ягона осмон остида» ҳужжатли фильми намойиш этилди. Тадбир якунида эса Марказий Осиёдаги дунган маданий марказларининг бадиий жамоалари тайёрлаган концерт дастури қўйилди.

Улуғбек МАҲКАМОВ

"Қува дон маҳсулотлари"

ҳиссадорлик жамияти жамоаси

мустақил республикамиз халқини ва, албатта, юртимиздаги бизга турдош барча корхоналар меҳнат аҳлини Наврўзи олам билан қизғин табриклайди.

Бу ажиб ва тароватли айёмнинг бунёдкор кишиларимиз руҳига тетиклик ва янгича куч-ғайрат бағишловчи, юксак марраларга чорловчи, жаннатмонанд Ватанимиз кўркига кўрк қўшувчи мўътабар дамлар барчамизга муборак бўлсин.

Хонадонларимиздан файзу барокот аримасин, дастурхонларимиз тўкин-сочин, маъмурликка бой бўлсин.



Республика АТБ

«ПАХТА БАНК»

жамоаси

халқимизни ягмариги ва янгиланиш айёми — Наврўз байрами билан самимий табриклайди!

Байрам муносабати билан «Пахта банк» Сизга ўзининг янги ва қулай хизматларини таклиф қилади:

***«Маиший тўлов»** жамғарма омонат турининг фоиз ставкаси энди йиллик 30 фоизни ташкил этади.*

Омонатга қўйилган пул маблағларингиз фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

Омонатга қўйган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.

«Пахта банк» омонатга қўйган пул маблағларингизнинг сир сақланишини кафолатлайди.

*Шунингдек, деҳқон хўжаликларига ўз шахсий томорқаларида мева-сабзавот ва картошка етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева ва узум кўчатлари, минерал ўғит ва кимёвий воситалар сотиб олишга **микрокредитлар** ажратилишини маълум қилади.*



Наврўз Сизга фақат бахт келтирсин!



Самарқанд вилояти Иштихон туман МТП корхонаси жамоаси

Ватандошларимизни умумхалқ байрами — Наврўзи олам билан қутлар экан, юртимизнинг ҳар бир гўшасида, оилаларида тинчлик, омонлик ва фаровонлик бўлишини тилайди.

Баҳор ва янгиланиш айёми барчамизга омад ва бахт келтирсин!

"Ўзавтодарётранс" агентлигининг Бухоро филиали жамоаси

юртимизга бетакрор чирой ва гўзалликлар билан ташриф буюраётган Баҳор ва нафосат айёми — Наврўзи олам билан бутун халқимизни қутлайди. Энг эзгу, энг самимий орзу-умидларингиз рўёбга чиқсин, йил бўйи Наврўз шукуҳи тарк этмасин.

Андижон вилояти Марҳамат туман „Матлуботсавдо" ҳиссадорлик жамияти жамоаси

халқимизни энг қадимий айём — Наврўз байрами билан табриклайди. Хонадонларимиз ҳамиша тинч, дастурхонларимиз тўкин-сочин бўлсин. Юртимизга қут-барака, барча ватандошларимизга ва шу жумладан, мамлакатимизнинг савдо ходимларига бахт-саодат ёр бўлишига тилакдошмиз!

ДУНЁДА НИМА ГАП?

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Бухоро вилоят филиали жамоаси

юртдошларимизни қутлуғ Наврўз айёми билан чин қалбдан табриклайди.
Ниятимиз ҳар бир хонадонда шоду хуррамлик, аҳиллик бўлсин.
Юртимиздан ҳеч қачон қут-барака аримасин.

"Сурхонозиқовқатсаноат" ҳиссадорлик жамияти жамоаси

жонажон Ўзбекистонимиз халқини боқий байрам — Наврўзи олам билан муборакбод этади.

Наврўз элимизга фақат яхшиликлар олиб келсин.

САМАРҚАНД ОЛИМПИЯ ЗАХИРАЛАРИ СПОРТ КОЛЛЕЖИ ЖАМОАСИ

баҳорий айём, янгиланиш ва яшариш фасли — Наврўзи олам билан барча юртдошларни чин қалбдан табриклайди.

Ватанимиз тинч, элимиз ҳамиша омон бўлсин. Фарзандларимиз бахту камолини кўриш ҳамма-ҳаммага насиб этсин.

ТИБЕТГА ҚЎШИМЧА КУЧЛАР КИРИТИЛДИ

Хитой Тибетдаги ҳарбийлари сонини оширди. Associated Press агентлиги хабарига кўра, Тибет маъмурий маркази Лхасага 200 га яқин жанговар машина (уларнинг ҳар бирида 60 тагача ҳарбий) киритилган.

Айни пайтда Тибет марказида Хитой хавфсизлик кучлари назорат ўрнатган. Шаҳар аҳолиси эса махсус овоз кучайтиргич воситалар билан осойтишталикни сақлаш, тартибсизликларга йўл қўймасликка чақириляпти.

Шунингдек, Лхасада норозилик акцияси ўтказишда иштирок этганларни қўлга олиш учун тинтувлар ҳам амалга оширияпти.

Эслатиб ўтамиз, Лхасада сўнгги ҳафта давомида аҳолининг норозилик чиқишлари рўй берди. Маҳаллий аҳоли ҳудуднинг Хитой томонидан эгалланганини қоралаб, мустақиллик талаб қилди. Норозилик чиқишлари пайтида тибетликлар ва Хитой ҳарбийлари тўқнашувлари ҳам содир бўлган.

Муҳожирликдаги Тибет ҳукумати ихтилоф вақтида 100 га яқин тибетлик ҳалок бўлганини маълум қилган. Хитой ҳукумати эса қурбон бўлганлар миқдори 10 кишидан ошмаслигини таъкидлади.

СУИҚАСД ҲАҚИДА ХАБАРЛАР АСОССИЗ

Россиядаги жиноий тўдаларнинг мамлакат раҳбариятига қарши суиқасд уюштирмоқчи бўлгани ҳақидаги маълумот тўғри эмас. Бу ҳақда Россия махсус хизмати вакили Интерфакс агентлигига маълум қилди.

Россияда чоп этиладиган "Твой день" газетаси 15 март кунги сонида Россия раҳбари Владимир Путин ва янги сайланган президент Дмитрий Медведовга қарши суиқасд ҳозирлангани тўғрисида маълумот тарқатган эди. Нашрнинг ёзишича, ёвуз ниятли кимсалар 2 март куни ташкил этилган тантанали концерт пайтида мамлакат раҳбариятига ҳужум қилмоқчи бўлишган. Газета ахборот манбасига ишонган ҳолда, Федерал хавфсизлик хизмати иккинчи мартдан олдинроқ суиқасдни фош қилгани ва гумонланувчилар ҳибсга олинганини ёзганди.

Махсус хизмат вакили бу каби тахминларни рад этган. Биринчи март куни ҳақиқатан ҳам қуролли гуруҳ қўлга олингани, бироқ мамлакат раҳбариятига қарши суиқасд хусусида ҳеч қандай маълумот ёки тахмин бўлмаганини таъкидлади.

МУҲОЖИРЛИКДАГИ СОБИҚ ВАЗИР – ПАРТИЯ РАҲБАРИ

Грузиянинг собиқ мудофаа вазири Ираклий Окруашвили "Грузия бирлиги учун" партияси раҳбарлигига сайланди. Партиянинг навбатдан ташқари съезди ана шундай қарор қабул қилди.

Бунга қадар собиқ ҳукумат аъзоси бир муддат қамоқда сақланган эди.

— Ираклий Окруашвили қамоқда бўлгани туфайли партияни бошқаролмаётган эди. Энди эса озодликда юрган шахс сифатида у бемалол ўз вазифасини бажариши мумкин, — деди партия бош котиби Эка Беселия.

Ҳозирда Ираклий Окруашвили Парижда. Апрель ойининг ўрталарида у билан боғлиқ иш кўрилади. Хусусан, собиқ вазирни Грузияга экстрадиция қилиш ёки адвокатлар сўраётганидек унга Франциядан сиёсий бошпана бериш бўйича қарор қабул қилинади.

Грузияда порахўрлик, товламачилик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби айблар билан унга қарши жиноий иш қўзғатилган.

ИНКЛАРДАН ҲАМ ҚАДИМИЙРОҚ

Перуда инклар давлатидан ҳам олдинроқ қурилгани тахмин қилинаётган қадимги иморат қолдиқлари топилди. Хабарларга қараганда, ибодатхона вазифасини бажарган иморат Инклар давлатининг Мачу-Пикчу шаҳри яқинидаги ҳудудда жойлашган.

Ўн бир хонадан иборат ибодатхонанинг умумий майдони 250 квадрат метрни ташкил этган. Хоналарнинг айримларида мўмиё ва бут ҳайкаллар қолдиқлари борлиги аниқланган.

Археологларнинг таъкидлашларича, мазкур бино Инклар давридан ҳам олдинроқ бунёд этилган. Инклар давлати ҳукмрон бўлган йилларда эса иморат кўриниши ўзгартирилган.

Бундан ташқари, қазилма ишлари вақтида Инкларнинг қадимги йўли ва суғориш тизими ҳам топилди. Айни пайтда олимлар топилмаларнинг ёшини аниқлаш билан шуғулланмоқдалар. Қазилма ишларини яна беш йил давом эттириш режалаштирилган.

КОМПАНИЯ РАҲБАРИ СУД ҚОРА КУРСИСИДА

Италияда дунёга машҳур Parmalat концерни инқирози бўйича суд муҳокамаси бошланди. Суднинг қора курсисида 55 киши, жумладан, компания раҳбари ва асосчи Калисто Танци, унинг укаси Жованни, молиявий директор Фаусто Тонна ва бир қатор банкирлар ўтирибди. Улар молиявий найранг ва фирибгарликда айбланишмоқда.

2003 йили Parmalatнинг банкротга учраши ва концерн ҳисоб рақамидаги 14 миллиард евронинг ғойиб бўлиши Европа тарихидаги энг катта иқтисодий можарони келтириб чиқарди.

Сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш бўйича етакчи бўлган концерн инқирози туфайли Италиянинг бутун иқтисодиёти зарар кўрди. 36 минг киши ишсиз қолди, 135 минг фуқаро банкдаги омонатларидан маҳрум бўлди.

АКТЁРЛАРДАН 500 МИНГ ДОЛЛАР ХАЙРИЯ

Таниқли актёрлар Жорж Клуни, Брэд Питт ва Мэтт Дэймон томонидан ташкил этилган хайрия жамғармаси БМТнинг Озиқ-овқат дастури (WFP)га беш юз минг доллар миқдорида маблағ ажратди. Ушбу хайрия кўмаги Судандаги қашшоқ аҳолига ёрдам бериш учун сарфланади.

Суданда фуқаролик уруши 2003 йилдан бери давом этади. Таҳлилларга кўра, ўтган беш йил ичида қуролли тўқнашувлар пайтида 200 минг одам ҳалок бўлди, 2,5 миллион киши бошпанасиз қолди.

WFP вертолётларда Судан шимоли ва Дарфур музофотига озиқ-овқат маҳсулотлари етказади. Ташкилот вакилига кўра, дунё давлатларига ёрдам бериш учун тобора кўпроқ маблағ талаб этилмоқда. Масалан, биргина жорий йилда ташкилот лойиҳаларини амалга ошириш учун 77 миллион доллар керак бўлади.

БИНО ИЖАРАСИ ҚАЕРДА ҚИММАТ?

Буюк Британия пойтахти Лондон шаҳри биноларнинг ижара баҳоси бўйича Европада биринчи ўринни эгаллади. Knight Frank консалтинг компанияси тадқиқотига кўра, ушбу шаҳарда бир квадрат метрлик иморат ижараси учун йилига 1607 евро тўлаш керак.

Офислар ижараси бўйича иккинчи ўринда Москва шаҳри туради. Россия пойтахтида бино ижараси кўрсаткичи йилига 1358 еврони ташкил этади. Бу борадаги кейинги ўринларни Париж (840 евро) ва Дублин (700 евро) эгаллаган.

Савдо масканлари ижараси бўйича ҳам Лондон олдинги ўринда туради. Шаҳарнинг марказий қисмидан ижарага олинадиган савдо марказининг бир квадрат метри учун йилига 6427 еврогача тўлаш талаб этилади. Бу кўрсаткич Дублинда 4500, Эдинбург 2560, Парижда эса 2500 еврони ташкил этади. Европа бўйича нисбатан паст баҳо Рим ва Прагада кузатилган (600 евро).

ТАФСИЛОТ

Саккиз йиллик суриштирувдан сўнг

Украина суди таниқли журналист Георгий Гонгадзенинг уч нафар қотилига қарши ҳукм ўқиди

Сўнгги йилларда турли сиёсий можаролар туфайли дунё матбуоти эътиборидан тушмай келаётган Украинада яна бир шов-шувли ҳодиса рўй берди. Мамлакат ҳуқуқ идоралари таниқли журналист Георгий Гонгадзенинг қатл этилиши билан боғлиқ жиноий ишнинг бир қисмини якунлади. Деярли саккиз йил давом этган тергов ва суриштирувлардан кейин мамлакат ички ишлар вазирлигининг уч нафар офицери журналист жонига қасд қилишда айбланди ва узоқ муддатга озодликдан маҳрум этилди.

"Украина ҳақиқати" интернет сайтининг асосчиси бўлган Георгий Гонгадзе 2000 йилнинг 16 сентябрида изсиз йўқолган эди. Икки ойлик қидирувдан кейин 2 ноябрда унинг жасади Киев шаҳридан 100 км. масофада жойлашган қишлоқдан топилганди. Журналист боши танасидан жудо қилинган ҳолда кўмиб юборилган эди. Ўша пайтдаёқ ушбу жиноят тасодифий бўлмай, бу журналистнинг касбий фаолияти билан боғлиқ экани тахмин қилинганди. Чунки бунга қадар Г. Гонгадзе Украидаги катта амалдорларни доимий танқид қилиши билан тилга тушган, "Украина ҳақиқати" интернет сайтида эълон қилинаётган коррупция ва порахўрлик тўғрисидаги материаллар ҳам кўпчилик мансабдорларга ёқмаслиги табиий эди.

Маълумки, 2005 йили Украинада «рангли инқилоб»дан кейин ҳокимият тепасига Виктор Юшченко раҳбарлигидаги сиёсий кучлар келди. Собиқ президент Леонид Кучманинг мухолифи бўлган В. Юшченко Гонгадзенинг ўлими бўйича жиноий иш тез муддатда очилишига ваъда берди.

Тергов ва суриштирув натижасида қотиллик мамлакат ички ишлар вазирлиги ташқи кузатув ва разведка департаменти раҳбари Алексей Пукач ва унинг ходимлари Николай Протасов, Валерий Костенко ва Александр Попович томонидан содир этилгани аниқланди.

Маълум бўлишича, собиқ офицерлар журналистни ўлдириш амалиётини олдиндан режалаштирганлар. Ёвуз режа 2000 йилнинг 16 сентябрида амалга оширилган.

Тергов давомида жиноятнинг бевосита ижрочилари бўлган шахслардан фақатгина учтаси — Николай Протасов, Валерий Костенко ва Александр Попович қўлга олинди ва уларга суд ҳукми билан 13, 12 ва 12 йиллик озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинланди. Асосий айбдор — ИИВ департамент раҳбари, генерал-лейтетант Алексей Пукач эса қочиб кетишга улгурган.

Айтиш керакки, Георгий Гонгадзенинг ўлими билан боғлиқ суд жараёнининг ўзи уч йилга яқин давом этди. Прокуратура идораси терговни якунлаб, 2005 йилнинг 19 декабрида судга топширган эди. Халқаро ҳамжамият эътиборида бўлган жиноий иш ёпиқ эшиклар ортида, журналистлар иштирокисиз ўтказилди. Суд жараёнининг мутлақо махфий тамғаси остида ўтиши бежиз эмас эди. Бунга қадар Гонгадзенинг ўлимида Украинанинг ИИВ офицерларидан-да мартабалироқ амалдорлари қўли борлиги тахмин қилинган эди...



Ўшанда Украина президенти Леонид Кучманинг қўриқлаш хизматида ишлаган майор Николай Мельниченко томонидан ҳуқуқ идораларига аудиокассета тақдим этилгани катта овозаларга сабаб бўлди. Чунки ушбу ёзувнинг ҳақиқийлиги тасдиқлангудек бўлса, ушбу шов-шувли ишда мамлакат раҳбарининг ҳам қўли бор дейишга асос бўлар эди.

Кассетада гўёки мамлакат президенти Леонид Кучма ва ички ишлар вазири Юрий Кравченко ўртасидаги телефон мулоқоти ёзилганди. Дастлаб Украинанинг собиқ раҳбариники деб тахмин қилинган овоз вазирга қотиллик деталларини айтаётгани эди. Бироқ қайта-қайта экспертизаларда кейин ёзувнинг ҳақиқийлиги тасдиқланмади ва у терговда ҳам далилий ашё сифатида инобатга олинмади.

Кузатувчиларнинг фикрича, гарчи журналистнинг ўлимида айбдор деб топилган уч нафар шахс жазога тортилган бўлса-да, ушбу ишни тўла хотима топди деб бўлмайди. Нега деганда, қотилликнинг асосий иштирокчиси ва ижрочиси бўлган генерал Алексей Пукач ҳали ҳам одил судловдан қочиб юрибди. Тахминларга кўра, агар собиқ генерал қўлга олинса, жиноят ортида турган буюртмачилар кимлигини ҳам аниқлаш мумкин.

Хориж матбуоти ва Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ОЛАМ ВА ОДАМ

ТАБИАТ

Қушлар ҳам ҳимояга муҳтож

Маълумки, қушлар азалдан инсоннинг дўсти саналиб келган. Булбулу бедана ширали хонишлари билан одамзотга хуш кайфият бағишлаган бўлса, лочину сорлар ҳамиша овчининг энг яқин ҳамроҳи саналган. Қолаверса, юртимиз бош рамзи – гербида Ҳумо қуши тасвири акс этиши ҳам бежиз эмас.

Ўзбекистон Миллий университети биология-тупроқшунослик факультетининг зоология кафедраси ўқитувчиси Алишер АТАХЎЖАЕВ билан бўлган суҳбатимиз орнитология – қушларни ўрганувчи фаннинг бугунги аҳволи, мамлакатимизда учрайдиган қушлар, уларнинг миграцияси ҳамда уларни асраш мақсадида амалга оширилаётган ишлар хусусида бўлди.

– Алишер Абдулатипович, қушларнинг табиатдаги ўрни ҳамда уларнинг юртимизда учрайдиган турлари ҳақида тўхталиб ўтсангиз.

– Қушларнинг табиатдаги ўрни беқиёс. Улар асосан чигиртка, қўнғиз сингари ҳашаротлар ҳамда майда кемирувчилар билан озиқланиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини муҳофаза қилиш билан бир қаторда атроф-муҳитни ҳам тозалайди.

Қушлар тахминан 100 миллион йил олдин пайдо бўлган, ҳозирда сайёрамизда уларнинг қарийб 10 минг тури мавжуд. Шулардан йил давомида мамлакатимизда чамаси 470, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида эса 200 хилга яқинини учратиш мумкин. Мамлакатимизда мавжуд қушлар ўтроқ, қишловчи ва келиб-кетувчи сингари уч турга бўлинади. Тошкент шаҳрида учрайдиган 200 хил қушдан 11 тури, хусусан, қорашақшақ, заҳизғон, дала чумчуғи, мусича ва кўк каптар кабилар ўтроқ қушлар бўлса, 84 хили қишловчи қушлардир. Қарғасимонлар оиласига мансуб бўлган заҳча, қарға ва ола қарғалар юртимизга қишлаш учун бир неча ойгагина учиб келадилар.

– Қушлар миграцияси – кўчиши нима, улар миграция даврида юртимизнинг қайси сув ҳавзаларида тўхтаб ўтадилар?

– Қушларнинг бир юртдан иккинчи юртга кўчиш ҳолати миграция дейилиб, одатда бу ҳол баҳор ва куз фаслларида кузатилади. Қишловчи қушларнинг жанубдан шимолга кўчиш вақтида улар миясида шартли рефлекс – инстинкт равишда ўз маконига интилиш ҳолати юзага келади. Улар ўз масканига қайтсалар-да, бироқ бора-бора уларнинг жанубдан шимолга, шимолдан жанубга қатнаши ҳар йили такрорланувчи одатий ҳолга айланиб қолади. Қолаверса, айрим ҳудудларда озиқ-овқат етишмаслиги ҳам қушлар кўчишининг омилларидан бири, дейиш мумкин. Ўзбекистон ҳудудида ер юзасини доимий





қор қопламаслиги туфайли озуқа билан боғлиқ муаммо юзага келмайди.

Кечаси учадиган қушлар бошқа юртга кўчиш чоғида ҳаракат йўналишларини юлдузлар тизимининг қай тарзда жойлашганлигига қараб белгилайдилар. Шунингдек, улар миясига ер магнит майдонининг кучли таъсири ҳам йўналиш белгиси вазифасини бажаради. Сайёрамиздаги қушлар орасида миграцияланиш жараёни асосан Россия ва Украина давлатларидан Африка қитъаси томон юз беради.

Республикамиздаги Айдаркўл, Арнасой, Тузкон сингари яхлит сув ҳавзалари, Чордара сув омбори, Денгизкўл ва Ҳайбаткўл, Қорақалпоғистон Республикасидаги Сариқамиш сув ҳавзалари қушлар миграцияси даврида ўрдаксимонлар учун қўналға вазифасини бажаради. Бу ҳудудларда қушлар 10-15 кундан ҳатто бир ой мобайнида тўхтаб, куч тўплайди. Етарлича озуқа захираларига эга бўлгач, яна ўз йўналишлари бўйича учишда давом этадилар.

– Домла, соҳа мутахассисларининг кузатишларича сайёрамизда турли экологик сабаблар боис ер юзида баъзи қушларнинг айрим турлари йўқ бўлиб кетяпти. Ташвишланарлиси, «Қизил китоб»да уларнинг сони ортиб бормоқда.

– Ер юзида ҳаёт мавжуд экан, эволюция жараёнида жониворларнинг айрим турлари вужудга келади, баъзилари камайиб борса, бошқалари эса, афсуски, йўқ бўлиб кетади. Таъкидлаш керакки, инсонларнинг табиатга шафқатсизларча муносабатда бўлишларининг салбий таъсири энг аввало қушларда намоён бўлмоқда. Мамлакатимизда «Қизил китоб»нинг илк нашрига қушларнинг бир қозон, оқ ва қора лайлак, қизил ғоз, оққуш, мармарчуррак, ўрдак, йўрға тувалоқ, йиртқичлар синфидан эса бургут, лочин, балиқхўр бургут сингари 13 тури киритилган. Аммо йиллар ўтган сайин табиат ва инсон ўртасида юзага келган номутаносиблик боис яна бошқа хил қушларнинг ҳам «Қизил китоб»дан ўрин олди. Айни дамда 2006 йилда қайта нашр этилган «Қизил китоб» саҳифаларига қошиқ бурун, оққўтон, сариқ кўтон (цапля), олақанот ўрдак ҳамда қорабош балиқчиларнинг ҳам номлари ёзиб қўйилган.

– Мамлакатимизда ноёб қушларни муҳофазалаш борасида қандай ишлар амалга ошириляпти?

– Ўзбекистон ўзининг географик ўрнига кўра, Сибирь, Ўрта Шарқ, Африка, Жанубий Осиё ва Европани бирлаштирган ва қушлар учиб ўтадиган йўллар кесишган маконда жойлашган. Ўзбекистоннинг сувли ботқоқликлари, тўқайлари, тўқайли ўрмонлари ва воҳалари миллионлаб муқим яшовчи, ин қўядиган ва кўчиб ўтувчи қушлар учун жуда зарур.

Муҳим орнитологик ҳудуд (МОҲ) дастури 1980 йиллар ўрталаридан бошлаб Қушларни ҳимоя қилиш бутунжаҳон уюшмаси – Bird Life International томонидан ишлаб чиқилган. Ҳозирда дунёда қарийб 15 000 Муҳим орнитологик ҳудуд мавжуд.

Ўзбекистонда илк маротаба муҳим орнитологик ҳудудлар тўғрисида маълумот тўплаш фикри 1996 йилда туғилган. МОҲ лойиҳасининг дастури эса 2005 йилнинг баҳорида Bird Life International ва Буюк Британиянинг «Қушларни ҳимоя қилиш қироллик жамияти»нинг қўллаб-қувватлаши асосида амалга оширилган. Ўз навбатида янги табиат муҳофазаси ташаббуси Ўзбекистон Зоологлар жамияти ва республика Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан қўллаб-қувватланди.

Қушлар олами алоҳида ҳимояга, эътиборга муҳтож. Зеро, бундан юз йиллар олдин Марказий Осиё тадқиқотчиларидан бири таъкидлаганидек: «Туркистон табиати жазирама саҳролари, ялтиллаган шўр тупроқ ерлари, қуёш ҳароратидан қовжираган текисликлари ва деярли ёнма-ён кўкариб гуллаётган водийлари, баланд қорли тизмалари, ёввойи эчкилари ва қорақушлари билан гўзалдир».

Наргиза ПИРНАЗАРОВА,
«Хуррият» мухбири.

Ки бу сур эрур олам афруз ҳам,
Хусусан эрур фасли Наврўз ҳам.
Алишер Навоий

Фарғона вилояти Қува туман молия бўлими жамоаси

гўзал ва бетакрор юртимизнинг меҳнатсевар халқини Наврўз байрами билан қизғин табриклайди. Осмонимиз мусаффо бўлсин, дилларимиз баҳор гулларидек яшнаб турсин. Хонадонларимиздан тўкин-сочинлик, файзу барака аримасин. Тинчлик-омонлик, сиҳат-саломатлик, бахту омад барчамизга ёр бўлсин.



"Бухоро нефтъ маҳсулотлари"

унитар корхонаси жамоаси

барча Ватандошларимизни умумхалқ байрами — Наврўзи олам билан қутлар экан, юртимиздаги ҳар бир маҳаллаю қишлоқларда, оилаларда тинчлик, омонлик ва фаровонлик бўлишини тилайди. Наврўз байрами ҳаммамизга омад ва бахт келтирсин!

Самарқанд шаҳридаги

"Бинафша"

хусусий фирмаси жамоаси

Ўзбекистон халқини, азиз юртдошларимизни умумхалқ байрам баҳор ва яшариш, янгиланиш фаслининг даракчиси — Наврўзи олам билан самимий муборакбод этади. Энг ёруғ умид ва орзуларингиз ушалаверсин, баҳор шукуҳи, Наврўз нафаси йил бўйи қалбимизни тарк этмасин!

ОРАМИЗДАГИ ОДАМЛАР

Велосипедда 8 минг километр

У киши ҳақида яқин-йироқлардаги газеталар "Замонавий Машраб", "Машрабнинг бугунги издоши" каби таърифу тавсифлар билан ёзишган. Бунга Зоҳиджон Турсуновнинг Наманган вилояти Косонсой туманида туғилгани, дунё кезишга бел боғлагани, бир-икки мисра шеър ҳам битиб туриши сабаб бўлгандир, эҳтимол.



САФАРНИНГ БОШЛАНИШИ

— Институтни битириб, мактабга ишга борганимда, — деб гап бошлайди Зоҳиджон Турсунов. — Менга қўшимча машғулотлар берилмади. Шунда ўйлаб-ўйлаб, велопойгачилар тўгарагини очганман. Ўнўн беш чоғли йигитлар билан велосипедда Фарғона водийси ва Қирғизистоннинг бир қисмини кезиб чиқдик. Ўтган асрнинг ўша 80-йилларидан бери велосипед билан дунёни айланиб чиқиш орзуси кўнглимда ғимирлаб тураверди. Қарасам ёшим ҳам ўтиб бораяпти.

Шундай қилиб, Зоҳиджон ака гапга етарларга маслаҳат солади. Ишдан ҳам бўшаб, орзуларини амалга оширишга қаттиқ киришади. Наманган вилоят рус маданияти маркази директори Сергей Миронов ташаббусни қўллаб-қувватлайди. Катта ишларнинг биринчи қадами Қозоғистон ва Россия бўйлаб саёҳат бўлди. 2007 йил 25 майдан 20 июнгача Қозоғистон Республикасининг 7 та вилояти — қарийб 7000 километрлик йўл босиб ўтилди. Баъзи сабабларга кўра Россиянинг Троицк шаҳридан қайтилди. Муҳими, минг-минглаб километр юришда эмас эди.

— Мен яқин-йироқ юртларни шунчаки айланиб чиққандан нима фойда деб ўйладим. Шунинг учун велосаёҳатимни "Халқаро дўстлик ва маданий алоқаларни ривожлантириш" деб номладим. Шунингдек, Боборахим Машраб, Усмон Носир, халқ шоири, курсдошим Муҳаммад Юсуфлар ижодий меросини тарғиб қилишни олдимга мақсад қилиб қўйдим. Саъй-ҳаракатларим бесамар кетмади, назаримда.

ОЛТИН ҲАЛҚА

Тез орада бу ажойиб одам ҳақида юқорида айтганимиздек катта-кичик газеталар ёза бошлади. Аввалига кўлидан ҳеч нима келмайдиган, деб ўйлаганларда ҳам ишонч учқунлари кўринди. Энди уни қўллаб-қувватловчилар кўп эди. Косонсой тумани ҳокими ташаббуси билан Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги муносабати ила "Ассалом, ҳур ўлкам!" олтин ҳалқаси" велосаёҳати уюштирилди. Зоҳиджон Турсунов Фарғона водийси бўйлаб 800 километрлик масофани қадрдон "икки ғилдиракли тулпор"ида босиб ўтди. Саёҳат давомида жойларда учрашувлар ўтказилди, элимиз ардоғидаги кишилар оиласида меҳмон бўлди...

— Халқимизнинг севимли шоири, марҳум Муҳаммад Юсуфнинг онасини зиёрат қилдим... Бундан ташқари ҳам эҳҳе... халқимиз орасида қандай тилло одамлар бор экан. Бунёдкорлик ҳисси қалбларида жўш уриб турибди: ишласам, элу халқ корига ярасам, дейди.

"ҲАМКАСБ"ЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

— Икки сафарим давомида велосайёҳлар, пиёда сайёҳларга кўп учрадим. Мен каби дунё кезиш иштиёқи билан юрганлар ҳам оз эмас экан-да. Швейцариялик велосипедчилар билан Ёзёвондаги чойхоналардан бирида кўришиб қолдик. Улар учун тут дарахтлари тагидаги ёғоч сўри, кўрпачаю хонтахта, таомларимиз, ҳовуз — ҳаммаси қизиқ эди. Чунки инсон ҳар қанча цивилизациялашса ҳам, табиат боласи бўлиб қолаверади. Табиийлик барибир табиийлик экан-да! "Ҳамкасб"ларимнинг ҳовуздаги сувни кўриб, унда ювиниб завқланишлари Қозоғистон чўлларидаги сувсизликни ёдимга солди. Ирғиз чўлида кетаяпман, ҳеч нима кўзга ташланмайди. Ҳар-ҳар замонда учраб турадиган юлғун кўзга узоқдан худди муқаддас нарсадек кўринади. Сояси бор-да, озроқ дам олиш учун ўтириш мумкин. Шу тариқа йўлда давом этаётгандим, бирдан кайфият кўтарилди, чўлнинг ўртасида, ҳеч қанақа сабаб йўқ. Ҳайрон қолдим. Озроқ юрганимдан кейин, Қазалига яқинлашиб, эни 1-1,5 метрлик ариқ чикди... Сув! Худди соғиниб юрган биродарингни кўргандай бўлар экансан. Сув бизда сероб, лекин ўшанда унинг қанчалик қимматбаҳо эканлигини ҳис қилдим. Бир киши дуч келиб қолди, сўрасам, бу сув Сирдарёдан, биз томонлардан оқиб келаётган экан. Дилимга чўғ тушди, тилимга шеър:

Сирдарёю Сирдарё
Айланасан гир дарё...

ШУНЧА ЗАҲМАТ НЕГА КЕРАК?

— Шунча йўлларни босиб, қанча одамлар билан учрашгансиз. Албатта, саёҳат ҳаммани ҳам қизиқтиради. Кўпчилигимизнинг юрагимизда шу ният бўлади-ю, нимадандир воз кечолмаймизми, нимадандир хавотирга тушамизми, ҳар ҳолда орзу амалга ошмай кўнгил асирига айланиб қолаверади. Одамлар сизга кўпроқ қандай саволлар билан мурожаат қилишди?

— Энг кўп эшитган саволим: "Сенга нима зарил? Бола-чақанг бўлса..." деган оҳангда бўлди.

— Рост, сизга нима зарил, бола-чақангиз бўлса...

— Инсон дунёга фақат кўпайиш учун келмайди. Қолаверса, сайёҳлик менга боболардан мерос, Шоҳ Машрабдан қолган.

Ҳар тонг туриб мен недир сезаман,
Омиликдан, дўстим, роса безаман.
Дунё кўрмоқ учун, кўп билмоқ учун
Барибир Машрабдай
олам кезаман.

Аҳмад Қозончига бориб етаман.
Ўзбеклар номидан салом айтаман,
Бўлмаса, дунёда яшаб нетаман...

— Фақат шуми?

— Сиз билмайсиз-да, Фаррухжон! Мен дунёдан, одамлардан бир жавҳар қидираман, унинг номи — эзгулик. Топган бойликларимни бошқаларга тарқатаман. Қанча берганинг билан меҳр камаймайди, эзгулик камаймайди. Ҳеч бўлмаса, шу томондан сахийроқ бўлайлик, дейман. Қолаверса, кўрган-кечирганларим ҳақида бир китоб ёзмоқчиман. Номини ҳам ўйлаб қўйибман: "Шундай яхши одамлар бор дунёда!"

ШУНДАЙ ЯХШИ ОДАМЛАР БОР...

Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё. Унга йўлда яхшилар кўп учради. Ҳар иккала саёҳатининг хайрли ўтганидан мамнун бўлиб Зоҳиджон ака шундай одамларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

— Қаерга борсак, яхши кутиб олишади. Йўл-йўлакай чойхонаю ошхоналарда одамлар билан учрашувлар ўтказиб, диллашиб бораверамен. Кимсасиз чўлларда эса "КамаАЗ"чилар ёрдам беришади. Тўхтаб, нон сувинг борми, деб сўрашади. Йўл азобини юрган билади-да. Чўлнинг ўртасида яна "ҳамкасб"ларинг билан учрашиб қолсанг, қизиқ бўларкан. Қизилўрда атрофида эди, голландиялик пиёда сайёҳ дуч келди. Бутунлай ҳолдан тойган эди. Мени кўриб кўзлари порлаб кетди, лекин хурсандчилигини ташқарига чиқаришга ҳам мажол топа олмади. Бир-биримизни тушундик, бундай пайтда тил билиш-билмаслик аҳамиятсиз эди.

Радиоканаллар орқали чиқишларимиз ҳам қизғин кечарди. Ўзбекистонни билган кўп, бу юртнинг тузини тотган кўп. Лесановск шаҳри радиоканалидаги шундай жонли эфирлардан бирида қўнғироқ бўлди. Телефон қилган одам журналистдан "Ўзбек оғайнимизни қўйиб юборма, 20 дақиқада етиб бораман", деб илтимос қилди... Танишдик. Александр Царьков Самарқандда ҳарбий хизматда бўлган экан. "Саккиз нафар хизматдош дўстим туфайли бутун ўзбек миллатига хурматим беқиёс", дейди у. "Паловнинг мазаси ҳамон оғзимда. Икки йил меҳмон бўлганман сизларга, бир кун қолақол", деб уйига таклиф қилди.

Бундай учрашувлар кўп бўлди. Чимкентда ҳам бир 70 ёшли отахон йиғлаб-йиғлаб кўришди. У киши Ўрта Осиё давлат университетида ўқиган экан. Талабалик йилларини эслаб, ўзбеклардан кўрган яхшиликларини хотирлаб, узоқ гурунглашиб ўтирди.

Яна бир нарсани айтиб ўтишим керак. С. Чарькованинг оилавий театри мени ҳайратга солди. Шундай театрлар ҳам бўлар экан-да. Бутун оила аъзолари актёр, уйда театр очибди. Болажонларнинг қадами узилмас экан...

"БАВУРЛАШУВ ҲИССИ"

Шундай қилиб, велосайёҳимиз яхшилар ҳақида яхшиларга хабар бериб йўлида давом этаверди. У велосипедда манзилдан-манзилга одимлаб ўтиб кетавермади. Асл мақсади ҳам велоспорт эмас, эзгулик, тинчлик, маърифат туйғуларини тарқатиш эди-да. Шу боис маданият марказларида, ўқув юртларида учрашувлар ўтказиб туришни канда қилмади. Мутасаддилар ундан ўз ёрдамини аямадилар. Айниқса, Жамбулда Дўстлик уйида бўлган учрашув Зоҳиджон акада катта таассурот қолдирган эди. Йиғин, қардошларимиз тили билан айтганда, "Бавурлашув ҳисси"га тўла бўлди, унга шаҳар ҳокими ҳам келган эди.

— Учрашувларда сўз асосан илдизимизнинг бирлиги, қон-қардош эканлигимиз ҳақида кўп гапириларди. Ҳатто дилдаги сўзларини менга ёзиб ҳам беришди, — шундай дея у бир қоғоз тутди қўлимизга: "Бир отанинг фарзандларимиз, Турк отанинг фарзандларимиз".

ЧЎЛ ЎРТАСИДА — НАВОИЙ

— Оқтўба билан Қушўрда оралиғидаги чўлда бир ёдгорликка дуч келдим. У ердаги "Навоий" деган сўзни ўқиб ҳайратим ошди. Маълум бўлдики, бу Дада Қўрқутга қўйилган экан, мармар тахтага у ҳақида Навоийнинг айтган сўзлари битилибди. Атрофда яшиллик, кўзни қувнатадиган бу гиёҳлар узоқдан сув ташиб келиб ўстирилар экан. Яқин орада музей кўринди. Туркий Дада Қўрқут ҳақида қимматли маълумотлар олдим...

ЭНДИ ОСИЁ ВА ЕВРОПА БЎЙЛАБ

Зоҳиджон Турсуновнинг навбатдаги сафарини Наманган вилоят корейс маданият маркази қўллаб-қувватламоқда. Велосаёҳат марказ асосчиси, фалсафа фанлари доктори Алексей Цой хотирасига бағишланади. Шунинг учун ҳам финиш сифатида Жанубий Корея Республикаси танланган.

— Бу галги саёҳатим ҳам бутун дунё алломалари хотирасига, илм-маърифат, эзгулик ва дўстликка бағишланади. Ҳозирда ҳужжатларни тайёрлаш билан бандман. Сафар бошланишига ҳам оз қолди...

— Қайтганингиздан кейин ҳам бир суҳбатлашармиз.

— Худо хоҳласа!

Фаррух ЖАББОРОВ

Бухоро туманидаги "ЛОША ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК КИМЁ" ҳиссадорлик жамияти жамоаси

мамлакатимиз аҳлини, барча юртдошларимизни қадимий ва шукуҳли айём — Наврўзи олам муносабати билан самимий муборакбод этади.
Бу байрам меҳр ва муҳаббат, уйғониш ва нафосат, осойишталик тантанасидир. Ҳадемай, бободеҳқонларимиз, тадбиркор фермерларимиз қиш бўйи етилган тупроққа барака уруғини экадилар. Ўйлаймизки, бу йил деҳқонларимиз етиштирадиган ҳосил ҳар йилгидан-да мўл бўлади. Баҳор кунлари ҳам қут-баракали бўлмоқда. Шундай экан, 2008 йилнинг Наврўзи фақат яхшиликлар, қут-барака келтиришига тилакдошмиз.

«Маҳалла» жамғармаси Навоий шаҳар бўлими жамоаси

баҳор нафаси уфуриб турган мана шу қутлуғ кунларда ватандошларимизни энг қадим ва боқий байрам — Наврўз шодиёнаси билан қутлайди.
Улуғ айём мамлакатимизнинг ҳар бир маҳалласи, ҳар бир хонадонига файз ва омад олиб келсин!

Сумалаксиз ўтган айёмлар

ёки Наврўз сайлини кўрмаган болалигим, бугунги кунга етмаган момоларим армони

Болалик хотиралари алдамчи бўлмайди. Қирқ ёки эллик ёшнинг нари-берисида бўлган киши баъзан кеча ўтган куннинг тафсилотларини-да эслаб қололмас. Бироқ болалик хотиралари... Ёшинг ўтган сайин ўша олис болалик даврингни бир куни, бир сонияси ҳаёт ташвишларига кўмилиб ўтаётган қолган бутун умрингдан қадрлироқ эканлигини ҳис қиласаверасан. Балки шунданми, баъзан нуқул болалик хотираларига кўмилгинг, ўша хотиралар уммонида беғубор болаликка қайтгинг келаверади...

Бошқаларни билмадим-у, менда кўпинча баҳорда, табиат, бутун борлиқ қайта уйғонаётган паллада болалик хотиралари жунбушга келади. Болаликда баҳорни яхши кўрганим, қахратон қиш чилласида кун санаб кўкламни интиқ кутиш одатим бўлгани учундир бу.

— Катта чилла чикди, чўпон тўқсонининг ярми ўтди, — дер эдилар момом, — эсон-омон кичик чилладан ўтсак, бу ёғи баҳор.

Бир ҳовли болалар катта чилладан кейинги ҳар бир кунни санашга тушардик. Гарчанд "чўпон тўқсони" нима эканини англамасак-да, момонинг гапларидан баҳор яқинлигини ҳис қилардик.

— Мана, ҳутга етдик, — дердилар яна бир гал момом. — Яхши келса ҳут — қозон тўла сут, ёмон келса ҳут — сойлар тўла пут.

Тоғлик аёлларгагина кийиш одат бўлган нимтаналарининг (бегона эркаклар нигоҳи тушмасин деб бошга ташлаб қўйиладиган махсус либос) узун енгидан дастурхонга тўкилган ширинликларни талашиб, момом айтган мақолнинг мазмунини сўраймиз.

Эмишки, ҳутнинг яхши келиши баҳорнинг яхши келишидан дарак. Агар ҳут яхши келса, демак, баҳор ҳам яхши келади. Қиш чилласидан чиққан чўпон-чўлиқнинг қўрасига барака инади. Чорва тўйса, сут-қатиқ мўл бўлади. Ҳут ёмон келса, чорва талафот кўради, қир-адир, сойлар нобуд бўлган чорванинг пути-лоши билан тўлади.

Момомга қўшилиб биз ҳам кунларни санаб баҳорни — Наврўзни кутишда давом этамиз:

"Ўн етти кунлик ҳут ҳам ўтди, бу ёғи аямажуз, яна уч кунлик оби раҳмат. Сўнг ийди Наврўз!" Шодлигимизнинг чеки йўқ. Яшасин, эртага Наврўз!

Наврўз... Болалик хотираларимда Наврўз мен учун доим хира, нимтатир рангларда намоён бўлади. Тўғри, буни кейинроқ, ҳақиқий Наврўз байрами нима эканлигини билганимдан, у соф миллий қадрият сифатида ўзининг бор жилоси, ёркин ранглари билан намоён бўла бошлаганидан кейингина англаганман. Бироқ олис болалик даврида, ўтган асрнинг 60-70 йилларида буни англаш, ҳис қилиш мумкин эмас, бунга шарт-шароит ҳам йўқ эди. У пайтда биз болалар учун момоларимизнинг Наврўз ҳақида пичирлаб айтган маталлари-ю, кўни-қўшниларнинг бир-бирига илинган кўк сомсаси ҳамда ундабунда яширинча пиширилган сумалак ҳақиқий Наврўз эди. Ҳеч ким, айниқса, замон мафкурачилари сезиб қолмасин деб, ҳатто кўк сомсалар кечқурунлари ёпилгани-ю, сумалак осилиши бир маҳалла тугул атрофдаги беш-олти хонадондан нарига етиб бормаслиги сабабларини ўшанда беғубор бола қалбимиз, шуурмиз англаб етмас, етолмасди ҳам. Ҳатто, қайси бир уйда сумалак осилмасин, маҳалла аёллари бу ҳақда кўча-кўйда гапириб юрмаслигимизни биз болаларга қаттиқ тайинлаб қўйишлари "сири"ни юқори синфга ўтиб "атеизм" ҳақида тушунча олмагунимизча билмаганмиз.

... Ўшанда учинчи синфда ўқирдим чоғи. Онам буғдой тозалашларидан билдимки, сумалак осишга тараддуд бошланган. Сумалак учун буғдой кўкартириш жуда нозик ва масъулиятли иш бўлгани боис, ҳар ким ҳам уддалайвермасди. Маҳаллада бу ташвишни онам ва кўшнимиз Норхол момо галма-гал бажаришарди.

Сумалак осиладиган кун ширага энган илдизларни қўшни ҳовлига олиб ўтишди. Биз болалар одатдагидек, уйма-уй юриб, ҳар бир хонадон ажратган ўтинни, қизлар эса идишлар тўла унни йиғиб келишга чоғландик.

Момоларнинг "мушкул кушод "идан сўнг қозон осилди. Кечгача хотин-халаж, бола-чақа галма-гал қозон ковлаб, сумалакни «оқдан» чиқаришди. Шомга келиб майингина биқирлаб турган қозон атрофида аёллардан бири доирани қўлига олиб, қиз-жувонлар бир-бирини рақсга, лапар айтишга чорларди...

Шунда... нимадир бўлди. Аввал қозон атрофида ялла айтиб рақс тушаётган қиз-жувонлар беихтиёр чор тарафга тарқаб кетди. Кейин хонадон бекаси — шунча ташвишнинг бошида турган қўшни аёл "вой шўрим" дея беҳол ёнғоқ танасига суянганича қолди.

Кўча дарвозадан важоҳат билан кириб келган уч нафар пўрим кийинган киши уй эгасини олдига солиб тўғри қайнаб турган қозон тепасига келишди. Эркаклардан бирови ўчоқдаги кундаларни тортиб, ярим ёнган, чиқариб олишнинг иложи бўлмаганлари устига тупроқ суриб оловни ўчиришди. Яна бирови уй эгасига қўлини бигиз қилиб нималардир деб ўшқирди. Саросимада қолган амаки чақирилмаган меҳмонларнинг дўқ-пўписасини эшитар экан, ёнғоқ дарахтига суяниб, рангида ранг қолмаган аёлдан кўз узмас, шу топда унинг аҳволи ҳам титраб-қақшаб турган эавжасиникидан яхши эмасди.

Ҳамсоялар хонадонидан йиғиб келган кундалар устида ўтириб бўлган воқеалардан ҳайратга тушган биз, болалар, табиийки, нима ҳол рўй бераётганини тушунмасдик ўшанда.

Кейин ҳалиги "меҳмонлар"дан бири кўчага чиқиб, уч-тўрт нафар бўз болаларни бошлаб келди. Ҳаммалари бир-галашиб қозонни ўчоқдан кўчирмоқчи бўлишди. Бироқ бунинг уддасидан чиқолмагач, бошини эгиб шамдай қотиб турган уй эгаси — қўшни амакига нималарнидир таъкидлаб, қандай шовқин-сурон билан келишган бўлишса, шундай олатасир ҳолда чиқиб кетишди.

Яна, эсда қолгани шуки, ўша куни чиндан-да сумалак пишмай қолди. Нимадандир умидвор биз болалар ярим тунгача дарвоза пойладик. Аммо қўшни амакининг хотинига "скорий" келиб – кетгани-ю, эрталаб ўчоқнинг кўмилганидан бошқа "янгилик" эшитмадик.

Қўшни амаки бундайроқ вазифада ишлаётган, боз устига фирқа аъзоси бўлгани учун унинг уйида ташкил этилган, партия мафкурасига тўғри келмаган тадбир учун унга нисбатан тегишли чора кўрилди. Фақат буни биз кейинроқ, эсимизни танигандан сўнг катталардан эшитиб билганмиз.

...Ўша йили Наврўз сумалаксиз ўтди.

Наврўз файзсиз ўтди.

...Мустақиллик бизга ўзлигимизни, ўзлигимизни англатувчи кўплаб урф-одатларимиз, миллий байрам — анъаналаримизни, жумладан, Наврўзимизнинг ҳам қайтариб берди. Мустақиллик йилларида бутун мамлакатимиз миқёсида бу байрам зўр тантана билан умумхалқ миллий байрами сифатида ўтказилишининг ҳар гал гувоҳи бўларканман, ўша олис болалик чоғларимдаги ярим яширин ўтган Наврўз кунларини беихтиёр эслайман. Эслайман-у, юз ёшдан ошиб шундай кунларни кўролмай кетган масалчи момом, ҳамсоя ҳотинлар билан келишиб уй ертўласида ҳуфия тарзда сумалак учун буғдой кўкартирган онажоним кўз ўнгимдан бир-бир ўтишади.

Ҳа, ҳар Наврўз арафасида болалигим ўтган баҳорларни хотирлайман. Айниқса, сайлга чиққан болакайлар кўзидаги қувонч, улар кийган турфа миллий либослар, байрам томошалари ўтаётган адирларни ларзага солиб югураётган улоқчи отлар дупури... Бугун беихтиёр шукроналар келтираман. Ҳар Наврўз хонадонларимизда сумалак қайнаётганига, бунинг учун ҳеч ким бизга монелик қила олмаслигига, шундай кунларга етганимизга шукр дейман.

Худо келдинг, мустақил элимнинг Наврўзи!

Даврон ОРИПОВ

ТУРМУШ ЧОРРАҲАЛАРИДА

Наврўзи олам мубораک, азиз дўстлар!



Шу мўътабар айёмда барчангизга баҳорий кайфият, хонадонларингизга тинчлик-тотувлик тилаймиз.

Соғлиқ-саломатлик ҳеч кимни тарк этмасин. Халқ саломатлигини муҳофаза қилиши, мунаввар истиқболимиз бунёдкорларининг ҳамиша соғлом ва кучқувватга, ижодий кўтаринкиликка тўлиқ бўлишларини таъминлашда барча касбдош дўстларимизга омад ёр бўлсин.



Фарғона ўрта тиббиёт ва фармацевт ходимлар малакасини ошириш билимгоҳи.

ТАҚДИР СИНОВЛАРИ

Собиқ учувчи

ёки 100 дан ортиқ ҳаво ҳужумларида қатнашиб, 6 марта ўлим ёқасидан омон қайтган профессор ҳақида

Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ёши улуғ бир ўқитувчи бор. Тўқсон билан тўқнашган бўлса ҳам, йигитлардек навқирон, ёшлардек ғайратли бўлган Мухтор Расуловни кўпчилик иқтисод фанлари доктори, профессор эканлигидан яхши хабардор. Эҳтимол, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоблигини ҳам билишар. Лекин у кишининг аслида учувчи бўлганини ҳамма ҳам эшитмаган, ҳарбий учувчи сифатида машҳум иккинчи жаҳон урушида иштирок этганини кўпчилик билмаса керак.

У Тошкент педагогика билим юртини муваффақиятли битиргач, фаолиятини Паркент туманининг Чангиҳисорак қишлоғидаги тўлиқсиз ўрта мактабда бошлади. 1940 йил октябрь ойида Тошкент Ҳарбий комиссариати орқали ҳарбий хизматга чақирилиши Мухтор аканинг ҳаётини кескин ўзгартириб юборди. "Октябрь ойининг ўзидаёқ эшелонга солиб Россияга жўнатишди, — деб эслайди Мухтор Расулов. — Бизни келажакда нималар кутаётганлигини ҳали билмас эдик... Воронеж шаҳрида кичкинагина авиаторлар шаҳрига жойлаштиришди. Авиация ҳарбий мактабида ўқиб учувчилик касбини эгаллашимиз керак экан. Бу хабарни 25 йигитнинг кўпчилиги ёмон қабул қилди, норози бўлди. Чунки орамизда учувчилар мактабини битирганлар икки киши бўлиб, улар учувчилик нақадар хавфли эканлигини, айниқса, ҳарбий учувчилик ўлим билан баробарлигини зўр бериб уқтиришарди... Улар ҳали учувчилик сир-асрорларини мукаммал ўрганиб-ўрганмай иккинчи жаҳон уруши бошланиб қолди. Уруш бу машқ майдони эмас, бу ерда хато қилиб бўлмайди. Қўрқув эса одамга доим панд беради. "Қўрқув туфайли ўз ўлимига сабабчи бўлган инсонларни кўп кўрганман", дейди Мухтор ака.

"Ҳар сафарги парвозимиз душманнинг қирувчи самолётларига тўқнаш келиши билан тугалланарди. 1942 йил июль бошларида 9 самолётдан иборат гуруҳ душман устига парвоз қилиб бомба ташлашни бошладик. Қўққисдан ҳар икки томонимиздан уларнинг 4 тадан зенит установкалари отаётган қирувчилари пайдо бўлиб қолди. Зенитчилар нишонни аниқ мўлжалга олишади. Самолётларимиздан бири ёна бошлади, иккинчиси осмонда портлаб, ерга қулаб кетди, бу ҳолат бизни қаттиқ довдиратиб қўйди. Мен бошқараётган самолёт ҳам силкина бошлади, мувозонатни йўқотиб қўйдик. Демак, самолётга снаряд парчаси теккан, тақдиримиз қил устида эди. Минг машаққатлар билан амаллаб самолётни ўрмон ичидаги балчиққа қўндиришга эришдик".

Мухтор аканинг ҳикояси бизни олис йиллар қаърига етаклайди, биз фақат киноларда кўрганимиз уруш манзараларини кўз олдимизга келтиради.

"Самолётдан чиқиб, 50-60 метр чамаси қочиб улгурган эдик ҳамки, бирдан кучли портлаш юз бердии. Самолёт парчалари узоқ-узоқларга отилиб кетди. Икки-уч сония кечикилса бўлди эди, мана шу лаҳзалар тақдиримизни ҳал қилиб юборарди!.. Эскадрильямиздаги осмонга кўтарилган 9 самолётдан 7 тасига эсон-омон аэродромга қайтиш насиб этди".

Мухтор Расулов беш йиллик ҳаёт-мамот жангларида иштирок этди. У душман устига 1000 соатдан ортиқ парвоз этиб, 100 дан ортиқ ҳарбий ҳаво ҳужумини уюштиришда қатнашди. Қанчадан-қанча душман ҳарбий истеҳкомларини яксон қилиб, инсониятнинг фашизм устидан ғалаба қозонишига ўз ҳиссасини қўшди. Албатта, бу парвозлар ўзбек учувчисига осон бўлган эмас, у бошқараётган ҳарбий экипажни душман зенитчилари 6 марта уриб туширишган, 6 марта ҳам Мухтор Расулов омон қолди. "Ҳар ҳавога кўтарилишдан олдин, — дейди у, — Худога илтижо қилар эдикки, осмонни булут қопласин, чунки бу бизни душман зенитчилари ҳужумидан асраб қоларди. Булут орасида яшириниш, жон сақлаш осон бўлар эди. "Қирқ йил қирғин келса ҳам, ажали етган ўлади" деганлари шу экан-да!"

Мухтор ака дастлаб Украина, кейинчалик Польша ва Чехословакияни фашизмдан озод қилишда иштирок этди.

Қийинчиликлар ҳам одамни тарбиялайди, кўзини очади. Берилган имкониятлардан оқилона фойдаланишга ўргатади, умрни беҳуда сарфламасликка ундайди. Мухтор ака урушдан омон қайтгач, бир муддат масъул лавозимларда ишлаб юрди. Лекин фанга, илмга бўлган иштиёқ уни яна таълим соҳасига етаклади. 1951 йили Тошкент давлат халқ хўжалиги институтини тугатиб, бу галги илмий-педагогик фаолиятини ҳозирги Ўзбекистон Миллий университети сиёсий иқтисод кафедрасида оддий ўқитувчиликдан бошлади. 1958 йили диссертация ёқлаб, иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига олган олим узоқ йиллар шу соҳада тер тўкиб келмоқда. Сўнг докторлик илмий даражасини олишга эришди. Шундай қилиб, профессор Мухтор Расулов илмий фаолиятининг катта қисмини юқори малакали кадрлар тайёрлашга бағишлади. Унинг бевосита раҳбарлигида 40 дан ортиқ ёшлар номзодлик ва докторлик диссертацияларини ҳимоя қилишди.

Айниқса, олимнинг илмий педагогик фаолиятига мустақиллик шабадаси ўзгача куч бағишлади, уни янги ижодий парвозларга етаклади. Кейинги йилларда Мухтор Расуловнинг «Бозор иқтисодиёти асослари» дарслиги, «Бозорни ижтимоий тартиблаштириш», «Ривожланган мамлакатлар бозор иқтисодиёти тажрибалари», «Ижтимоий-руҳий менежмент» каби қатор монографиялари ва 100 дан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари чоп этилиб, талабалар, мутахассислар қўлига етиб борди.

Бугунги кунда ҳам у ҳамон ёшлар билан, ҳамон илмий изланишда.

Абдужаббор ҒАФФАРОВ,
иқтисод фанлари номзоди.

ЎЙЛАР

Кўприкдаги суҳбат



Одам тафтини одам олади. Юрагинг тўлиб турганда рўпарангдаги одам қандайлигидан қатъи назар дардингни айтгинг келади. У сенинг дардингни эшитса бўлди, қолганининг қизиғи йўқ. Менга тикилиб турган отахоннинг кўзларидан шу маънони уқдим. Қўлидаги эски, чарм папкачага қараганда зиёли кишига ўхшайди, лекин кўзлари тўла мунг. Менинг у билан суҳбатлашишга ҳушим йўқ эди. У эса менга тикилиб, сўз очишга уринар, мен эса ҳар сафар юзимни бошқа томонга буриб, ўзимни бепарво тутардим. Иккаламиз турган жой ҳамма ўйлагандек бекат эмас, катта анҳор устига қурилган кўприк эди. Мен бу кўприк устида ишдан кейин келиб, баъзан-баъзан сувнинг оқишини томоша қилишни, бироз бўлса-да чарчоғимни чиқариб дам олишни хуш кўраман. Менга тикилиб турган бу одам эса йўловчи. Бу атрофда уни биринчи бор кўришим, ҳарқалай меҳмонга келган бўлса ажабмас. Хуллас, у шу кўприкдан ўтиб кетиши керак, фақат мени кўриб тўхтаб қолди. Тўғри, биз саломлашдик, ҳол-аҳвол сўрашдик...

— Бировни кутаяпсизми? — , деди йўловчи ахийри сабри чидамай.

— Йўқ, — дедим мен ҳам сувдан кўзимни узмай.

— Нимагадир сиз билан суҳбатлашгим келаяпти, — деди у ёнимга яқинроқ келиб.

Ноилож:

— Нима ҳақида гаплашмоқчисиз, — дедим.

— Чекасизми, — деб сигарет олди ва менинг бош чайқашимни кўриб, ўзи тутатиб олди.

— Ҳозир дардимни кимгадир айтмасам, ёрилиб кетаман, ука. Сиқилиб кетдим, "бор-э", деб шу томонга йўл солдим. Нариги қишлоқда бирга ўқиган дўстим бор, шуникига кетаяпман...

Менинг ҳам қайсарлигим тутди:

— Ўша дўстингизникига етиб олгач, дардингизни айтсангиз бўлмайдими?

— Йўқ бўлмайди, сизга айтишим керак, — деди у дабдурустдан жаҳл билан сўз қотар экан. Мен "айтсангиз, айтинг-э", — деб унга юзландим.

— Мен бир маҳаллар кичикроқ бир вазифада ишлардим, — дея хотиржам сўз бошлади у. — Атрофимда дўст ҳам, ўзимга яраша душман ҳам бор эди. Бандаси нима дейди-ю билмадим, лекин ўзимни ҳалол ишладим, беайб ҳисоблайман. Иш бурчим деб кеча-ю кундуз елиб-югурдим. Одамларга яхшилик қилдим, кўпнинг бошини силадим. Атрофимда ёш, ўсадиган йигитлар ҳам кўп эди, уларни тарбияладим, катта йўлларга тайёрладим. Кўплари ҳозир катта-катта лавозимларда. Уларнинг орасида айниқса, кўнглимга яқин бир йигит бор эди. Унга алоҳида меҳр бериб, тўғри йўл кўрсатиб, касбим барча сир-у асрорларини ўргатдим. Орадан уч йил ўтиб, каттароқ ишга кўтарилиб кетди. Хурсанд бўлдим. Уни биринчилардан бўлиб табрикладим, у билан фахрланишимни айтдим. Меҳр қўйган шогирдимни тўю томошада 2-3 бор кўрганимни ҳисобга олмаганда биз деярли кўришмас эдик. Ўзимга "Ҳамма нарсани ўргатибман-у одамгарчиликни ўргатмабман, устозни йўқлаб туришни айтмабман, аттанг", деб койиниб қўяман.

Тасодифни қарангки, ҳалиги шогирдим мен бошчилиқ қилаётган кичкина идорамиз бўйсунадиган жамоага бошлиқ бўлиб келди. Хурсанд бўлдим, ҳеч бўлмаса энди устоз-шогирдлигимиз эсига тушиб, меҳримиз мустаҳкамланар деб ўйладим — хато ўйлабман. Биринчи йиғилишдаёқ у идорамиз шаънига бўлар-бўлмас танқидни ёғдирди. Индамадим. Яна бир кунги йиғилишда эса мени ўрнимдан турғазиб қўйиб, "Ишласангиз ишланг, ишламасангиз ариза ёзиб кетинг", - деса бўладими: Қулоқларимга ишонмайман денг. Шу менинг шогирдимми деб алаҳсирайман. Укажон, мана сиз бегонасиз, айтингчи, меҳр қўйган одамингиздан меҳр эмас, қаҳр кўрсангиз қандай ҳолатга тушасиз?

Эртасига аризани ҳам ёзиб бердим, лекин шогирдимдан астойдил хафа бўлдим. Орадан йиллар ўтди. Шогирдим мени бутунлай эсдан чиқарди. Ёшинг ўтгандан кейин бир кун соғ, бир кун носоғ экансанда. Яқинда оғир касал бўлиб касалхонага тушиб, жониб оғриб, қийналиб қолдим. Буни қарангки, палатада шогирдимнинг отаси билан ҳамхона бўлиб қолдик. Афсуски, ўн икки кун бирга ётган бўлсак, шогирдим отасини ҳатто бир марта ҳам келиб кўрмади. Шунда ўзимни ўзим "Отасини бир бора келиб кўрмаган одамдандан нега хафа бўлиб юрибман", деб юпатдим.

Хуллас, ука, шогирдимни бир умрга йўқотиб қўйдим...

У кўнглини ёзиб олгач, жаҳл ўрнини ўйчанлик эгаллаган эди. Унга қараб:

— Ҳаётда бундай воқеалар учраб туради отахон. Мени ҳайрон қолдираётгани нима учун бу гапни айнан менга айтгингиз келди, — дедим.

— Бунинг сабаби бор, — деди у.

Ҳайрон бўлдим, наҳотки бу воқеага алоқадор жойим бўлса...

— Қанақа сабаб? — сўрадим бетоқатланиб.

Энди унинг мен билан суҳбатлашгиси келмаётгандек эди, шошилмасди.

— Собиржон деган шогирдингиз бор-а?..

— Ҳа, бор. Нимайди?

— Шу Собиржоннинг тоғаси бўламан. Жияним бирон иш қилмоқчи бўлса доимо "устознинг олдидан ўтишим керак, устоздан хабар олишим керак", — деб туради. Айтингчи, устоз-шогирдлик ҳар хил бўладими, ахир бу бир-бирига қарздорлик, меҳр-оқибатлилик, кўнгил яқинлик эмасми. Устоз шогирдига бир умр оталик қилса, шогирд устозни бир умр бошида кўтариб юрса, кимнинг нимаси камайиб қолади? Ўртада мол-мулк ёки бойлик эмас, меҳр сўраляпти-ку!

Ижодкор бўлганим учунми, устоз-шогирд тушунчаси онгимга адабиёт орқали кирган. Адабиётимизнинг улуғ кишилари ҳақида шогирдлар ёзган эҳтиром сўзларини, эсдалик ва хотираларини ўқиб ростакамига ҳавас қилардим. Ойбек, Миртемир, Абдулла Қаҳҳор, Озод Шарофиддинов каби шоир ва адибларнинг устозлик мавқелари, бошини силаган шогирдлари ҳақида тилаклари юрагимда меҳр уйғотарди. Кейинчалик эса тақдир тақозоси билан туман миқёсида турли раҳбарлик лавозимларида ишлаб бу тушунчанинг қамрови кенглигини ўз ҳаётимда ҳам синаб кўрдим. Шукрки, оқибатли шогирдларим кўп.

Бугунги кунда фақат меҳрдан бошқа нарса сўралмайдиган бу инсоний фазилатнинг даражаси қандай? Устоз-шогирдлик муносабатларимизда оқсаб қолмаяпмизми? Устоз ким-у, шогирд ким,

Шу нарсани аниқ айтаманки, устоз-шогирд ўртасидаги илиқ муносабат ҳам ҳаётда катта ўрин тутади. Шогирд устоздан касбидан тортиб, инсоний фазилатларгача ўзлаштириб олса, устоз унга фарзандидек меҳр бериб, ўз ҳаётий тажрибасини ўргатса, бундан жамият фақат фойда кўради.

... Юқорида эслатиб ўтган отахонга шундай дедим:

— Шогирдингизни меҳрсизликда айблаяпсиз. Нима, унга ҳаётни ўргатаётганингизда бир кун менга қарзимни қайтариши керак, деб ўйлабмидингиз?

У бироз ўйланиб туриб:

— Йўқ, мен нима иш қилган бўлсам қарз учун, миннат учун қилмадим,албатта. Мен унинг инсон сифатида меҳрли бўлишини истардим, демак мен бунга эриша олмабман, — деди у таасуф билан.

Ҳ.НОРҚУЛ

ЮЗ БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

Инсон **орзу қилишдан** тўхтамайди

Умр — инсонга берилган бебаҳо неъмат, уни оқар дарёга қиёс этамиз. Ҳаёт чархпалаги тўхтовсиз айланиши баробарида йиллар ўтиб бораверади. Унда кишининг дарду қувончлари баравар акс этади, ўтаётган ҳар бир кунимиз эса тарихга айланиб қолади. Яхши одамларнинг номи ва қилган эзгу ишлари тилларда ва дилларда абадий яшайди.



Бугун 108 баҳорни қаршилаган Зуҳра ая Алимбоеванинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳам ибрат бўлишга арзигулик. Онахоннинг қутлуғ хонадонига қадам ранжида қилар эканмиз, оиладаги аҳиллик ва саришталик дилни қувонтирди. Ҳар куни дуога қўл очиб, қилаётган яхши ниятлари уйга ўзгача файз, ризқ-насиба олиб кираётгани шубҳасиз.

Зуҳра ая бугун умрнинг 108-довонида туриб, ёшлиги ҳақида соғинч билан гапиради, қизалоқлик дамларини аччиқ хотиралар билан эсга олди.

— Ёшлигимда ҳалол меҳнат қилиб ҳунармандчилик сир-асрорларини ўргандим. 9 ёшимда ота-онамдан ажралиб қолгач, қариндош-уруғларим бағрида улғайдим. Меҳнат менга қандай яшаш кераклигини ўргатди. Пешона тери орқали ризқ топишнинг қанчалар лаззатли эканлигини англаб, қўлимдан қандай иш келса ҳаммасини қилдим. Уруш йилларида ҳаттоки аёллар ҳам фронтга сафарбар этилган эди. Аммо негадир мени чақиришмади. Уйда бола тарбияси билан шуғулландим, ҳар куни гилам, ироқи дўппи, қийиқча тикиб, уларни сотиб келар эдим. Акаларим деҳқончилик билан шуғулланган, бўш вақт топганда уларга ҳам ёрдам берардим...

Ота-она меҳридан жуда эрта мосуво бўлган Зуҳра ая тақдирнинг яна бир оғир синовига бардош берди. Турмуш ўртоғи Аҳмад Шорахмедов Иккинчи жаҳон уруши жанггоҳларида ҳаётдан кўз юмди. Ҳа, ўша кезлари Зуҳра аянинг иродаси, инсоний фазилатлари вақт синовида яна тобланди. Одамзотнинг боши тошдан-да қаттиқ, деб бежиз айтишмаган экан. Ўша пайтларда 7 ёшли ўғли Аҳроржон, 2 ёшли ўғли Анваржонни ота ўрнида ота, она ўрнида она бўлиб катта қилди.

50 ёшгача новвойлик қилиб, фарзандларини ҳалол едириб-ичириб ўстирди. Бугун иккала ўғил ҳам оила бошлиқлари, кўплаб невара-чевараларнинг боболари. Мунис ва меҳрибон онанинг берган тарбияси, панд-насиҳатлари ўғилларининг ҳаётда ўз ўрнини топишига туртки бўлди. Айни вақтда Зуҳра ая икки ўғил, ўн бир набира, ўттиз беш авара ва уч нафар чеваранинг севимли бувижониси. Улар ҳар куни келиб, Зуҳра аянинг ҳолидан хабар олиб туришади.

— Набираларимга яхши ўқиб яхши одам бўлинглар, ҳунар ўрганинглар, зеро ҳунари бор хор бўлмайди, ҳалол меҳнат қилган инсоннинг ризқини Аллоҳ зиёда қилади, деб насиҳат қиламан. Аваралари, келинларим жудаям ғамхўр. Ҳали ҳам ғайратим тошиб, нон пиширгим келади. Баъзида ўзим овқат қилиб, чой тайёрлайман.

Дарвоқе, юз ёшга киришнинг ҳам ўзига хос сир-синоати бор экан. Инсон бутун умрини хайрли ва савоб ишларга сарф қилиб, ҳалол яшаса, йўқсилларга ёрдам қўлини чўзса, Аллоҳнинг ўзи ҳар томонлама сийлайди.

Зуҳра ая Алимбоева ҳам эсини таниганидан бошлаб ўзини меҳнатга урди. Сабр қилиб яшагани учун дориломон кунларга етди. Шундай улуғ ёшга кирган онахоннинг хотираси кучли эканлиги кишини таажжубга солади. Набиралари ҳақида сўраганимизда, уларнинг исмини бирма-бир адашмай санаб ўтдилар. «Юз ёшга киришимнинг сабаби — биз ўша вақтлар табиий маҳсулотларни кўп истеъмол қилганмиз, сабзавотларда ўғит умуман бўлмаган, тузлар ҳам талаб даражасида бўлган, шу бис 80 ёшгача дўхтир нималигини билмаганман» дейди у киши суҳбат орасида.

Турмуш қийинчиликларини енгиб яшаган жасоратли она Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан Ватанимизнинг юксак мукофотларидан бири — «Шуҳрат» медали билан тақдирланган.

"Ҳаётда қандай орзулар билан яшяпсиз?" деб ҳазиломуз сўраганимизда гапга чечан онахон шундай жавоб берди:

— 108 ёшга кирган момода қандай орзу бўлиши мумкин? — дея куладилар. Сўнг сўзида давом этиб: — Одам нечага кирса ҳам орзу қилишдан тўхтамас экан. Аслида умр деганнинг ўзи орзудир, аммо менинг ҳамма вақт ҳам орзуларим бу — фарзандларим бўлган. Набира ва эвараларим менинг бебаҳо бойлигим ҳисобланади, уларнинг камолини кўришнинг ўзи бир бахт. Туну кун юртимизнинг тинчлиги, халқимнинг хотиржамлиги, омонлигини сўрайман. Мусаффо осмонимизга ҳеч қачон қора булутлар раҳна солмасин. Бугунги дориломон кунларга етказгани учун ҳар қанча шукрона келтирсак арзийди. Биз оғир дамларни бошдан кечирдик, шукрки, Ватанимизнинг мустақиллиги бизга ёруғ кунларни берди, қилган меҳнатимиз қадр топиб, мукофотландик. Ана шундай шароитлар яратиб берган Юртбошимизга мингдан-минг раҳмат айтаман, илоҳим, мендан ҳам улуғ ёшларга етсинлар, — дейди ая.

Дарҳақиқат, бундай табаррук ёшга кириш ҳаммага ҳам насиб этавермайди. Бугун пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги Ҳабибулла Қодирий кўчасида умргузаронлик қилаётган Зуҳра ая Алимбоеванинг муборак ёшига барчани ҳам етказсин.

Дилафрўз ТЎРАҚУЛОВА

РАССОМ ХАНДАСИ

А.Ҳакимов чизган сурат.

— Наврўзга ҳашар қилаяпмиз, чиқмайсизми, қўшни?
— Узр, менинг муҳим ишим бор эди, отахон...

МУЛОҲАЗА

· "...бизга ўқийдиган китоблар керак".
· Китоб — китобхон ва китоб савдоси
· Ҳеч ким ўқимайдиган трилогия ёзгандан кўра яхши бир асарни таржима қилган афзал!

Китобхон орзуси



Қишлоқда Ибодулло ҳожи Расулов билан гаплашиб қолдик. Суҳбатимиз кутилганидан ҳам мароқли ва дилкаш бўлди. Савдо соҳасида фидокорона меҳнат қилган, ўн йиллар олдин ҳаж амалини адо этган, яқинда нафақага чиқиб, набиралар даврасида бардам яшаётган қўшним бошидан ҳам китобга ўчлиги билан эътиборли эди. Бу гал ҳам гурунгимиз, асосан, шу ҳақда бўлди.

— Фуқаролар йиғини идорасида "Ҳазрати Соҳибқирон" китобингиз турган экан. Яп-янги, биров қўлига ҳам олмаган. Варақларига шамол тегмаган. Олиб келиб, мароқ билан ўқиб чиқдим.

Ҳожи аканинг эътирофларини эшитиш ёқимли эди. Фақат андак хижолат бўлиб айтдики, "Нега янги китоблар қишлоқларга кўпроқ етиб келмайди?"

Ҳаётнинг баланд-пастини кўрган, етарлича моддий тўкис ҳаётда яшаган ва бугун ўз дунёқарашига эга одам яна шундай қўшимча қилди:

— Ҳар қадамда турли дўкону пештахталар тиқилиб кетган. Ҳатто носвойни қадоқлаб сотишаяпти. Шуларнинг қаторида китоб дўкони ишлаб турса, ёмон бўлмайди-ку. Ахир одам фақат тан озиғи билан яшамайди, руҳ озиғи ҳам лозим.

Бу гаплар кишини ўйлантириб қўяди, дабдурустдан жўяли жавоб тополмайсан.Туман раҳбарларидан бири куюниб шундай деганди:

— Тўпланиб олиб, эллик минг сўмга ароқ ичишади, бироқ 500 сўмга китоб сотиб олишмайди. Ҳайронман, нима қилиш керак?!

Демак, китоб ўқимасликнинг сабабини чўнтакнинг қуруқлиги билан изоҳлаш нотўғри. Масаланинг маънавий томонлари ҳам бор.

... Кўпчилик Самарқанддаги Шердор мадрасасини кўрган. Замонасининг олий даражадаги билим маскани пештоқига қуёш (ҳаёт рамзи) ва шер ҳамда оқу тасвири туширилган. Олимларнинг тушунтиришича, суратдаги шер — илм толибининг, оқу — илмнинг рамзи. Илм оҳудек тутқич бермай қочади, унга эришиш учун камида шер шижоати бўлиши лозим. Боболаримиз "Илм ёввойи" дегувчи эди. Асрлар тажрибаси кўрсатадики, илм олиш балиқ овлаш ёки бўзахўрликка ўхшаш дилхуш машғулот эмас. Илмнинг манбаи эса китоб.

Шу ўринда бир ҳақиқатни дангал эътироф этиш жоиз. Илмни фақатгина компьютердан эгаллаб бўлмайди! Компьютердан ахборот ё бирор маълумот олиш мумкин. Лекин ахборот ҳали бу илм эмас, ахборот илм бўлиши учун бир неча далиллар таққосланиши керак ва улардан чиқадиган хулоса илм бўлади. Худди шу жараёнда китоб уруғ (ахборот) экилган замин вазифасини бажаради. Бинобарин, китоб ҳар доим керак экан, китоб ўқимасдан олим (илмли) бўлиш мумкин эмас экан, айни пайтда ким китобдан йироқ бўлса, у илмдан йироқ. Илмсиз кишини эса донишмандлар яланғоч одамга ёки қуролсиз, ваҳший ҳайвонлар орасига тушиб қолган ўлжага қиёслашади.

Демак, инсоният мавжуд экан, китоб энг буюк мўъжиза бўлиб қолаверади.

— Айрим болалар китоб ўқимай қўйяпти, — дейди Ибодулло ҳожи. — Ҳолбуки, уларнинг бир қўлида нон, бир қўлида китоб бўлиши керак эди.

— Ўзингиз қайси китобни ўқияпсиз? — дейман шинавандалик билан.

— Мақтанчоқликка йўйманг-у, дидимизга мос ўзбекча китобларни топиш ҳамма вақт ҳам осон эмас, — дейди суҳбатдошим тагдор қилиб ва токчадан қалин бир китобни олиб менга кўрсатади. — Буни кеча қазноқдан топиб олдим. Зўр китобга ўхшайди, фақат русча. Ўрисчага эса тиш ўтмайди.

Китобни қўлимга олиб қарайман. Теодор Драйзернинг 1957 йил (51 йил олдин) Новосибирскда нашр этилган "Гений" романи. Жилди бироз униққанини ҳисобга олмаса, яп-янги турибди. Китоб ичидаги мазмуни билан ҳам яп-янги ва эскирмас. Қарийб 900 саҳифали маҳоватли китобни хатм қилган киши "Китоб ўқидим", деб мақтанса арзийди. Мен уни луғат ёрдамида батафсил ўқиб чиқканман. Роман воқеалари худди қишлоғимизда бошланиб, шу атрофларда давом этгандек таассурот пайдо бўлган ва шунда инсон зоти бир ота-онадан тарқалгани ва ҳамма жойда бир хил умргузаронлик қилишига яна бир бор ишонганман.

Роман воқеалари XIX асрнинг 80-йилларидан сўнг кечиб, бу пайтда АҚШда хусусий мулк муносабатлари жадал шаклланиш палласида эди. Иллинойс штатининг Александрия шаҳридаги даврга хос оилалардан бирида туғилган Юджин Витла табиатан истеъдодли эди ва ижоднинг рассомлик турига қизиқарди. Ўсмир Юджиннинг катта ҳаётга қадам қўйиш босқичлари, улғайиши, истеъдодини юзага чиқариш, намойиш этиш йўлидаги шўришлар буюк ёзувчи қалами ила шунчалик таъсирли, рангли тасвирланганки, беихтиёр киши бу уммонга ғарқ бўлиб кетади ва "тирик қолиш" учун китобни охиригача ўқиб чиқади. Ўқиб чиққач эса киши ўзини батамом бир мамлакат сафаридан қайтгандек ҳис қилади. Бу сафар мусофирни ҳар жиҳатдан улғайтиради, бир неча поғона юксалтиради.

Ҳаж амалини бажарган китобхон Ибодулло ака яна бир сафарни азимат қилмоқчи бўлади-ю, юмушга тилнинг бегоналиги халақит беради. Мен шунда жаҳон абадиётининг жуда кам намуналари бизнинг она тилимизга таржима қилинганини эслаб, хижолат бўлдим. Шунда китобхон қўлига олмайдиган ёки бир марта ўқиб ташлаб юборадиган китоблар тахлами кўз олдимга келди. Уларни "ёзиш"га сарфланган меҳнат-чи? Шу ўринда маллифлар "меҳнатни тўғри тақсимлаб", "Гений"га ўхшаган асарларни ўзбекчага таржима қилганларида авлодларнинг кўпроқ олқишига сазовор бўлмасмидилар, деган андиша кўнглимдан ўтди.

Тўғри, таржималар бўлган, ҳозир ҳам амалга ошириляпти. Бир мулоҳазаки, бу сермашақкат юмуш ҳам тўғри йўналтирилиши лозим экан. Яқинда Кристофер Бакли деган ёзувчининг "Арабистонлик Флоренс" номли романи таржимасидан парча ўқиб қолдим. Таржимонлар анча тер тўкканлар, балки роман ўз мухлисларини топар. Асардаги асосий манзара — ҳозир жуда урф бўлган "жангари" воқеалар — отиш, қувиш ичида ўтади. Мабодо, шундай саргузашт воқеаларни бирон ўзбек муаллифи роман қилса, илм талаби ёки оддий қизиқиш тазйиқида ўқиб чиқиш мумкин. Аввало, бундай муҳит биз учун бутунлай бегона ва биз турмуш тарзимизда шунақа "олди-қочди"лар бўлишини умуман хоҳламаймиз. Руҳга озиқ бермайдиган, миллий табиатимиздан йироқ воқеалар акс эттирилган асарларни ўзбекчалаштиришдан не наф борлиги ноаён-ку. Бироқ ўқимаса бўлмайдиган кўплаб нодир китоблар ҳали тилимизга ағдарилмагани бор гап. Масалан, "Гений"нинг муаллифи Теодор Драйзернинг "Финансист", "Титан", "Стоик" деб номланган машҳур трилогияси бор. Унда филодельфиялик Фрэнк Каупервуд номли болакайнинг оила муҳити таъсирида (отаси банк ходими бўлган) ботиний қобилиятининг уйғониши, ўз ақли билан дастлабки капиталга эга бўлиши-ю, бизнес дунёсининг қашқирларидан бирига айланиши — ютуқ ва мағлубиятлар, синиш ва юксалишлар йўли жуда мароқли ҳикоя қилинган. Бу уч китобда тасвирланган воқеалар кўп жиҳати билан МДҲ давлатларида ҳозир кечаётган жараёнга ўхшайди. Ёзувчи ана шу олатаъсир воқеаларнинг сирли ва оламшумул қирраларини маҳорат билан очиб берган. Шубҳасиз, бу китобларни ўқиш бугунги тадбиркор ва ишбилармон юртдошларимизга кўп нарса берарди...

Хуллас, бу мавзуда айтиладиган фикрлар жуда кўп. Мавзуни балки сиз давом эттирарсиз?

Ҳаким САТТОРИЙ

Тақдир қилган бахт

Ҳар бир инсон тақдири бетакрор ва қизиқарли асарга ўхшайдики, бу асар воқелигига бадиийтда учрайдиган муболаға ва бўрттириш аралашмайди. Айниқса, буни ўша кишининг ўзи ҳикоя қиладиган бўлса, бу асар яна ҳам ҳаққоний ва ҳаётий маъно касб этади. Ҳаётда шундай кишилар учрайдики, улар шоншуҳрат қозонишни ёқтирмайдилар, ортиқча иддао ва даъво ҳам қилмайдилар, қолаверса, ўзи амалга оширган ишларни оддий ҳол ҳисоблаб, буни қаҳрамонлик ва жасорат дейишга ийманадилар.

Ахтамқул Карим қаламига мансуб ўтган йили нашрдан чиққан "Бахт излаган одам" ("Истиқлол" нашриёти, 2007 йил) ҳужжатли қиссасини қўлга олганимда очиғи, асар қаҳрамони шаънига мақтов ва амалга оширган ишларни ортиқча бўрттиришдан иборат бўлса керак, деган хаёлга бордим. Бироқ қиссани ўқиш давомида бу фикрим хато эканини англадим. Ахтамқул ҳужжатли қиссани ёзишда ўзига хос услуб ва йўл тутганига гувоҳ бўлдим.

Шўрчилик таниқли фермер Йўлдош ҳожи Бердимуродовнинг ҳаёт йўли ва бахтли ҳаёт сари интилиб яшаган оддий бир инсоннинг бошидан кечирганлари қиссага асос қилиб олинган.

Йўлдош ҳожи Бердимуродов ёшлиги изтиробларга тўла давр бўлиб, унинг қалбида уруш ўчмас жароҳат ва аччиқ хотиралар қолдиргани, буни ҳеч қачон унута олмаслиги ва унутиб бўлмаслигини ўқувчи ҳам яқиндан ҳис этади. Қисса муаллифи буни англагандек "Асал билан қоришгириб ёзаяпман, боболарнинг аччиққина ҳаётини", дейди. Айниқса, "Болалик" бобида ота-боболаримиз бошидан кечирган уруш йилларининг мудҳиш таассуротлари, бир парча нонга зор кунлар айримлар наздида афсонага ўхшаб туюлса-да, қанчалик тан олмасликка уринмайлик, бу аччиқ ҳақиқат, аччиқ тақдир ва аччиқ ҳаёт. Ўша даврни кўрган ота-боболаримиз болалиги ва ўсмирлиги ўйин-кулгидан йироқ оғир замон бўлганини яхши эслайдилар. Ўша замон одамларининг қисматига ачинмай бўлмайди.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, оғирлик орқасидан енгиллик келгандек, Йўлдош отанинг ҳам тиниб-тинчимаслиги, барча қийинчиликларни сабр-тоқат билан енгиб ўтиши натижасида ҳаётда яхши кунлар бўй кўрсатди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришгандан кейин Йўлдош ҳожи Бердимуродов енг шимариб, ғайрат-шижоат билан ишга киришди. Хусусан фаолиятини асалари боқишдан бошлаб, бу соҳанинг яхшигина билимдонига айланди. Шунга яраша даромад ҳам кўрди. Президентимиз Фармонига биноан фермер хўжаликлари ташкил этила бошлагандан кейин 2002 йили 20 гектар ер олиб, фермерлик фаолиятини бошлади. Оғир замонларни кўриб, суяги меҳнатда қотган Йўлдош ота фермерлик ерларини йилдан-йилга кенгайтириб, давлат режасини ҳам ошиғи билан адо этиб борди. Фермер хўжалигининг 2007 йилги сарҳисоби бўйича 67 гектар пахта майдонидан 195 тонна ўрнига 250 тонна, 26 гектар ғалла майдонидан, 130 тонна ҳосил олинди. Боботоғ этагидаги 1100 гектар лалми ерни яйлов учун тендер орқали олди. Ҳозирда Йўлдош отанинг қўйлари 800, эчкилари 100, сигир-бузоқлари 30 бошга етди. Йўлдош отанинг эришган ютуқлари ва орттирган мол-дунёси айрим бойлардек манманликка олиб бормади. Энг аввал Каъба зиёратига бориб, ўзининг мўмин-мусулмончилик фарзини адо этди. Ҳаждан қайтиб, Шўрчи туманидаги шўро даврида қаровсиз қолган азиз-авлиёларнинг мақбарасини тиклаб, зиёратгоҳга айлантиришга бел боғлади. Буни фермер хўжалиги ҳисобидан амалга оширди.



"Бахт излаган одам" қиссасида Йўлдош ҳожи Бердимуродовнинг ҳаёти ва амалга оширган ишлари қуруқ рақам ва мақтовлардан иборат ҳолда очиб берилмагани билан диққатга сазовордир. Шунингдек, шўрчиликлар гурунг ва суҳбатларда фахр-ифтихор билан сўзлаб юрадиган улуғ зотларнинг ҳаёти билан боғлиқ ривоятлар келтирилгани ҳужжатли қиссанинг қизиқарли ва ҳаяжон билан ўқилишини таъминлаган десак, муболаға бўлмайди.

Бобомурод ЭРАЛИ

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ

ҚАДР

Сумалак ифори

Ўлкамизга баҳор яна ўз сепини ёйди. Эрта тонгда қушларнинг сайраганини-ю, баҳорнинг ажиб таровати кўнгилларни яйратади. Кенг далалар яшил либос кийган, дарахтлар ҳам қийғос гуллаган. Хуллас, бутун борлиқ уйғониб, Наврўз даракчиси бўлмиш бойчечак ердан бош кўтариб, униб чиқди...

Юртимизнинг турли гўшаларида ушбу байрамни тантанали нишонлаш учун катта тайёргарликлар кўрилмоқда. Маҳаллаларда эса аллақачон сумалак сайллари бошлаб юборилган. Таъкидлаш жоизки, биргина пойтахтимизнинг Чилонзор туманида 49 маҳалла бўлиб, айниқса, куни кеча "Катта Дўмбиробод" маҳалласи аҳли ўзгача шодиёна билан маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда корхона, ташкилот ва тадбиркорларнинг ҳомийликлари, ташкилотчиликларида уюштирилган байрам сайлини кўтаринки руҳда нишонлади. Ушбу хайрия тадбирида тўрт юз нафар фуқарога байрам оши улашилди. Шундан сўнг байрам байрамга уланиб, туманнинг «1-Катта Чилонзор» маҳалла гузарида сумалак сайли бошлаб юборилди. Шу куни маҳалладаги 25 нафар ногирон ва ёлғиз қарияларга совғалар улашилди.

Кекса онахонлар фотиҳа қилишиб, эрталабдан тараддуд кўра бошлашди. Сумалак пишириш кишидан катта куч ва меҳнат талаб этади.

Айниқса, буғдой ундириб нишаки ҳолига келтириш жуда нозик жараён. Момоларнинг айтишларича, нишаки солинган карсон ҳам хилват жойда туриши лозим. Иложи борича бу хонага бегона одам киритилмаслиги, аксинча бўлса, майса секин ўсади ёки қовжираб қолади деб ирим қилишади. Маҳалланинг ёши улуғлари шу каби нозик жараёнларни билгани боис, сумалакнинг «юраги» саналмиш нишакини барча қоидаларига амал қилган ҳолда ўстиришган.

Ана энди иш қизғин паллада, бир томонда қизлар нишакининг шарбатини олиш билан банд бўлса, яна бир томонда ўйин-кулги авжига чиққан.

Тушдан кейин эса катта байрам дастурхони безатилиб, баҳор даракчилари бўлган — кўк сомса, ҳалим, исмалоқ печак, сумалак каби тансиқ таомлар дастурхонга тортилди. Болажонларнинг хурсандчилик қийқириқлари, шўх ўйин-кулгуси даврани қизигандан қизитиб юборарди.

Сайлда халқ удумларига мувофиқ миллий ўйинлар ҳам намойиш этилганлиги қалбларда узоқ вақт муҳрланиб қоладиган даражада қизиқарли таассуротларга бой бўлди. Шу баҳонада яқинда кўчиб келган, бир-бирини билмаган қўшнилар яқиндан танишиб ҳам олдилар.

Билагида кучи бор ёш қиз-жувонлар нишакини ухурда туйиб, элакдан ўтказиб, унинг шарбатини тайёрлашди.

Айниқса, сумалак тайёрлаш халқимизнинг феъл-атвори, табиати билан уйғунлашиб кетганлиги бизни ҳайратга солди. Кўпчилик қизлар сиқиб ажратилган шарбат қуйқасини пиёлага олиб, «Бу йилги Наврўзга ҳам етказсин, юзимиз худди мана шу таомдек беғубор бўлсин» дея юзларига суртишди.

Қуёш ботиб, тун чўкканда катта қозон остида ўтинлар гуриллаб ёнар, буғдой майсасининг шарбати ун билан қўшилгач, тобора қуюқлашиб борарди. Ундан аввал дошқозонда энди қайнай бошлаган сумалакка ҳамма ният қилиб биттадан, жами 7 дона тош ташлашди.

... Дошқозонда сумалак қайнайди,
Наврўзой даврада хўб ўйнайди...

Кўпчилик уйқуга кетган, шу тансиқ таомни Наврўз насибаси сифатида халққа улашишни мақсад қилган онахону опалар тонгга қадар бедор бўлишди. Улар янги нарса ихтиро қилишдек масъулиятли ишнинг уддасидан чиқишганидан қувончи еру кўкка сиғмайди.

...Мана, тонг ҳам отди. Ҳамма янги кунда янгича куч туяди. Таом юзида пайдо бўлган қуёш ва юлдузлар расмини қариялар ўзларича таҳлил қила кетди:

— Бу албатта, ёруғ кунлардан дарак, илоҳим юртимиз тинч, халқимиз омон ва насибамиз зиёда бўлсин, – дея дуога қўл очади онахонлардан бири.

Қаранг-а, бир кунгина бўладиган сумалак сайли бир умр хотирамда ўчмас из қолдираркан, сайлдан қайтаётиб: "Балли, сизга, опа-сингиллар!", дегим келди уларнинг меҳнатидан кўзим қувониб. Наврўзи олам барчамизга қутлуғ келсин.

Афрўза БОНУ

Комусий олим Абу Райҳон Беруний илмий меросида Шарқ оламининг беқиёс тафаккури акс этган дейиш мумкин. Аллома қаламига мансуб "Жавоҳирни билиш учун тўплам китоби"да ҳам илмий воқеликни содда тилда тушунтириш учун кўплаб ибратли ҳикоятлар, ҳикмат ва шеърлар келтирилган. Орадан ўн асрга яқин вақт ўтган бўлса-да, ибратли ҳикматлар авлодлар маънавиятини бойитиб келмоқда. Қуйида ўқувчилар эътиборига ана шу асардан олинган парчалар ҳавола этилмоқда.

ҲИКОЯТ

Беруний ҳаво-ҳирлари

ЁҚУТ ЁРУҒИДА КИТОБ ЎҚИШ

Ас-Салломий ал-Лаҳҳомдан олиб ҳикоя қилади: Абу Башир Сайрафий бир куни кечаси Сарандибда тоғасиникида бўлган экан. Шунда узукка қизил ёқутдан бўлган бир кўзни келтирибди. Ўша ёқут ёруғида китобни ўқиб бўлибди. Ҳикоя қилувчи бундан жуда ажабланиб сўзлаган, чунки бу воқеа тун қоронғусида бўлаётган экан. Бир шаффоф тош ўзига шуъласи тушаётган чироқдан нур олмай туриб ўзидан ўзи ёзилган нарсани ўқиб бўладиган даражада ёритаётганидан ажабланишибди. Бу ёқут худди ярим думалоқ шаклда бўлиб, юзи хат ёзилган майда сатрларга қаратиб қўйилган экан. Буни ўзига ўхшаган ярим думалоқ биллур билан ҳам ўқиш мумкин экан. Чунки бунинг орқасидан кўринадиган хатлар йўғонлашиб, сатрлар ораси кенгайиб кўринади. Бунинг сабабларини ойнак санъати ҳақидаги битилган асарлар ечиб беради.

ЗУМУРРАД ҚАДАҲ

Бир гал ал-Маъмуннинг зиёфатида соқийнинг қўлида ажойиб бир қадаҳни кўрдим, у афтидан худди тарози палласига ўхшаб кетардию аммо ўзи зумурраддан ясалган эди. Айтишларига қараганда ўша қадаҳ сомонийлар хазинасида бўлган экан. Ўша Буғрохон ат-туркий даврида бир сабаб бўлиб сомонийлар давлатининг иши юришмай қулаган кезларда қадаҳ бу ерга келиб қолган экан. Минг динорга яқин пулга сотиб олинган экан.

ДАРЁ

Ал-Мансурнинг узукка кўз бўладиган зумурраддан тоши бор эди. Унинг оғирлиги икки мисқол келарди, ўзининг яшил рангга ўхшашлигидан уни одамлар "Дарё" деб аташарди, ўзини қирқ минг динорга сотиб олинган эди. Бу балки ўша ар-Рашид Дажла дарёсига улоқтириб юборган "Исмоилий" деган тош бўлса эҳтимол.

Нафосат айёми

Ёшинг асли нечада? Аниқ билмайди ҳеч ким?
Энг қадимий байрамсан, билганим шу, Наврўзим!

Қиш устида баҳорнинг юзи, оқди сел эрурсан,
Қуёш табассум қилган илиқ кунсан, пурнурсан.

Кулди баҳорнинг юзи, оқди сел эриб музи,
Қувонгайдир она-Ер ташрифингдан, Наврўзим.

Қир-адирда қизғалдоқ гулханлари ловуллар,
Ариқларга сиғмаган жўшқин сувлар шовуллар.

Кеча билан кундузнинг теппа-тенглиги — Наврўз,
Муруввати эл-юртнинг бағри кенглиги — Наврўз...

Поклик-у янгиланиш рамзисан Сиёвушдек,
Оловларда куймайсан, Наврўз, қақнусдек-қушдек,

Аллома боболарим, сени куйлаб ўтганлар,
Тавсифингни, Наврўзим, ўчмас қилиб битганлар!

Огаҳий, Ражабийлар "Наврўзи сабо"сисан,
Рост мақомин шўъбаси — дилнинг хуш сафосисан.

Қутмоқдамиз, Наврўзим, келсанг барча яйрайди,
Васфингни куйловчилар булбул бўлиб сайрайди.

Анъаналар ичра энг халқонасан, Наврўзим,
Ер юзида энг катта тантанасан, Наврўзим!

Сен — миллий қадриятлар қад ростлашин байрами,
Халқим орзиқиб кутган кунларнинг энг ўктами.

Майсалар-у қуртаклар — табиатнинг тиллари,
Улар айтган қўшиқдан яйрар инсон диллари.

Гарқ гуллаган бодом-у, ўригимсан, Наврўзим,
Гўзаллиг-у нафосат кўригисан, Наврўзим!

Аҳмад МИР САИД



О, сумалак бунча мазали!..

ФУТБОЛ ОЛАМИДА

МАЙДОНДА — ГРАНД ЖАМОАЛАР

Швейцарияда Европа Чемпионлар лигаси ва УЕФА кубогининг чорак финал учрашувлари учун қуръа ташланди. Қуръа ташлаш маросими эса ҳар доимгидек кўпчилик кутмаган янгиликларга бой бўлди. Хабарингиз бор, Европанинг нуфузли мусобақасида Англия жамоалари нимчорак финал учрашувларида бир-биридан қизиқарли ўйинлар кўрсатиб, биратўла тўрттаси кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритганди. Айнан уларнинг иккитаси, яъни премьер лиганинг энг номдор клублари "Арсенал " ва "Ливерпуль" вакиллари ярим финалга чиқиш учун ўзаро кураш олиб боради.

Ўтган мавсумда ҳам тўқнаш келган Италиянинг "Рома" ва Англиянинг "Манчестер Юнайтед" футболчилари бу йил ҳам чорак финалда мусобақалашади. Футбол мухлислари яхши билишадики, 2007 йилда ҳар икки учрашув натижаларига кўра инглизларнинг қўли баланд келган эди. "МЮ" мураббийи Алекс Фергюссон қуръа натижаларига ўз муносабатини билдириб ўтди:

— Ростини айтсам, "Рома"нинг бизга рақиб бўлишини кутмагандим. Англиянинг бирорта жамоаси билан кейинги босқич учун кураш олиб борсак керак, деган хаёлда эдим. Олдиндан сезаяпманки, ўйинлар шиддатли кечади. Жавоб учрашуви ўз майдонимизда ўтиши биз учун янада яхши бўлди.

Энди эса қуръанинг қолган натижалари билан таништирамиз. "Шальке-04" (Германия) - "Барселона" (Испания),"-Фенербахче" (Туркия) - "Челси" (Англия) футбол жамоалари кейинги босқичга чиқиш учун кураш олиб боради.

Биринчи учрашувлар шу йилнинг 1 ва 2 апрель кунлари бўлиб ўтса, жавоб учрашувлари 8 ва 9 апрелда ўтказилади.

ЎСМИРЛАРИМИЗ ТЎРТИНЧИ

Сингапурда 22-бор ўтказилган "Lion city cup championship" мусобақаси ҳам ўз ниҳоясига етди. Унда қатнашган ўсмирлар терма жамоамиз тўртинчи ўринни эгаллади. Учинчи ўрин учун кечган ўйинда ҳамюртларимиз австралиялик тенгдошларига 1:3 ҳисобида мағлуб бўлди. Ўзбекистон терма жамоасидан ягона голни 16-дақиқада Шаҳзод Шайманов киритди. Шундай қилиб, Роберт Гай шогирдлари турнирда тўртинчи бўлди.

Мусобақанинг финал учрашувида эса Таиланд термаси БАА вакилларига қарши майдонга тушди. Ўйиннинг асосий вақти жанговар дуранг билан тугади. Пенальтилар сериясида омад Таиланд ўсмирларига кулиб боқди.

ҚУРЪА ТАШЛАШ ВАҚТИ АНИҚ

Жорий йилнинг 11-18 май кунлари Бангкок шаҳрида бўлиб ўтиши кутилаётган футзал бўйича Осиё чемпионатига қуръа ташлаш вақти маълум бўлди. Таиланднинг "Радиссон" меҳмонхонасида 11 апрель куни Тошкент вақти билан соат 12.00 да учрашувлар тақвими аниқланади.

Ҳозирча мусобақа финал босқичида иштирок этадиган 12 терма жамоа номи маълум. Қолган 4 та жамоа эса саралаш учрашувларидан кейингина кучлилар қаторига қўшилади. Қуръа ташлаш шартларига кўра, жамоалар сўнгги қайд этган натижаларига қараб энг кучли 4 та жамоа биринчи тўртта саватчаларга бўлинади. Қолганлар эса навбатма-навбат тақсимланади. Айни кунда эса Ўзбекистон термаси ОФК томонидан тузилган рейтингга биноан 3-ўринни эгаллаб турибди.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, Осиё чемпионатида кучли тўртликни эгаллаган жамоалар 2008 йилнинг октябрида бўлиб ўтадиган Жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади.

РОССИЯ ТЕРМАСИ АНГЛИЯГА ҚАРШИ

Шу йилнинг 25 мартида футбол бўйича Россия ўсмирлар терма жамоаси Англияда маҳаллий тенгдошлари билан ўқув-назорат учрашувини ўтказади. Бу ўйинда россияликларнинг бир қатор етакчи футболчилари жароҳати борлиги ҳамда бошқа сабабларга кўра майдонга туша олмайди. Англия билан бўлиб ўтадиган мазкур баҳс руслар учун 24-29 май кунлари Европа чемпионати (U-19) саралаш доирасида ўтказиладиган иккинчи босқич ўйинларига тайёргарлик вазифасини ўтайди.

Эслатиб ўтамиз, ушбу саралаш турнирида Голландия, Греция, Молдова ва Россия терма жамоалари бир гуруҳдан жой олган. Мусобақанинг финал учрашувларига фақат гуруҳда биринчи ўринни эгаллаган жамоа вакиллари боради.

Абдуазим РЎЗИ тайёрлади.

КУЛГИ

КУНЛАРДАН БИР КУН...

Ҳар бир халқнинг ўз қизиқчиси бор. Ўзбеклар уни Насриддин Афанди дейди, қозоқлар Алдар кўса, татарлар Ахмет оғай, ҳиндлар Бирбал, немислар Эйленшпигель, арманлар Пулипуги, яҳудийлар Гершель, корейслар Ким Сон ва ҳоказо.

Эътиборингизга ана шу қизиқчилардан айримларининг ҳангомаларини тақдим этмоқдамиз.

ЙЎЛДА ҚИЧҚИРАР

Бир золим бой камбағалларни кўп қақшатарди. Алдар кўса ундан қасд олмоқчи бўлди. Бойникига меҳмонга борди ва мусофирман, деб уникида тунаб қолди. Бой роса уйқуга кетгач, Алдар кўса ўрнидан турди. Ташқарига чиқиб катакдаги бор товуқларни бир қопга солди-да, оғизини боғлаб бир четга қўйди. Тонг отмасдан уйғонди.

– Раҳмат, бой ота, – деди Алдар кўса, – мен эртароқ жўнамоқчиман. Хайр!

– Бемаҳалда қайга борасан, болам, – деди бой, – ҳали хўроз ҳам қичқиргани йўқ?

– Ҳозир қичқирмаса йўлда қичқирар, – деди қизиқчи ва қопини орқалаб йўлга равона бўлди.

КОРА ТОВУҚНИНГ ТУХУМИ

Бир габроволик бозорга борди. Кекса аёл тухум сотиб ўтирарди. Харидор йирик тухумларни териб олишга ийманиб, аёлдан сўради:

– Хола, менга қора товуқнинг тухумидан ўнта беринг.

Аёл кулди:

– Булар қора товуқникими, оқ товуқникими, мен қайдан билай, болам. Танисанг, ўзинг танлаб олавер.

Шум йигит катта-катта тухумларни териб олди-да, жўнаб қолди.

ТИЛЬ ВА ГЕРЦОГ

Тиль Эйленшпингелни олти ёшга тўлганда мактабга бердилар. У бир куни мактабдан келаётса йўлда башанг кийинган бир киши учради. Тиль салом берди.

– Ваалайкум, – деди бояги киши, – одобли бола экансан, қайдан келяпсан?

– Мактабдан, – деди Тиль.

– Баракалла, музқаймоқ олиб е, – деб бегона киши бир танга берди. Бола олмади.

– Раҳмат, амаки, пулингизни ололмайман.

– Нега?

– Бегона кишидан пул олдим десам, отам уришадилар.

– Мен Герцогман. Мени бутун мамлакат танийди. Ол, Герцог амаки бердилар, десанг уришмайди.

– Йўқ, Кимсан – Герцог бўлатуриб атиги бир танга бердими, мунча қурумсоқ бўлмаса деб отам ишонмайдилар.

Герцог болакайнинг ақлига қойил қолди ва унинг чўнтагига тўлдириб кумуш танга солди.

Саъдулла СИЁЕВ

HURRIYAT
O'zingni angla!
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 034-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими — А-2.

Индекс: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233

Бош муҳаррир: Абдурасул ЖУМАҚУЛ

Таҳрир ҳайъати: Хуршид ДЎСТМУҲАММАД, Азамат ЗИЁ, Наим КАРИМОВ, Тўлан НИЗОМ, Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ, Ҳаким САТТОРИЙ (масъул котиб), Шерзод ҒУЛОМОВ

Таҳририятга юборилган хат ва мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Таҳририят манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар: 236-53-92, 236-53-31, 236-23-13, 236-53-38, 236-75-15
Реклама ва маркетинг бўлими: 236-56-38 Тел-факс: 233-36-02.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Бухоро — 8-365-715-30-57
Самарқанд — 8-366-233-62-12
Сирдарё — 8-367-374-81-53
Сурхондарё — 8-376-335-10-22
Фарғона — 8-373-225-80-58
Хоразм — 8-362-226-20-80
Қорақалпоғистон — 8-361-55-428-97

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи: Фаррух Жабборов

Топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 01.30

® — тижорат белгиси.

Буюртма — Г-254 Адади: 8010 1 2 3 4 6 7 8